جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

2026-yil 25-sentyabr
№ 39 (143)
www.jadid.uz

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

ЕТТИКУНЛИК



ХОНОБОДДАН ЭЛОБОДГАЧА

Ўтган ҳафта ҳам мамлакатимиз ҳаёти сермазмун, тарихий ва тизимли воқеаларга бой бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятига амалга оширган ташрифи, транспорт-логистика, “Яшил макон”, маъмурий одил судлов ва энергетика соҳаларига оид тақдимотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева бошчилигидаги делегациянинг БМТ Бош Ассамблеяси 81-сессиясидаги иштироки мамлакатимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги тараққиёт векторларини аниқ белгилаб беради.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН – ЖАДАЛ ЎСИШ МАРКАЗИ

Қорақалпоғистон Республикасидаги улкан ўзгаришлар, эврилишлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбига ғурур ва ифтихор бағишламоқда. Президентнинг Қорақалпоғистонга бўлган доимий эътибори, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилган аниқ мақсадли дастурлар халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир. Президентимизнинг “Биз учун Қорақалпоғистон ютуғи – Ўзбекистон ютуғи, Қорақалпоғистон ташвиши бу – бутун Ўзбекистон ташвиши”, деган гаплари ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Давлатимиз раҳбарининг 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи бунинг яққол исботи бўлди.

Қорақалпоғистон “яшил” энергетика, аграр соҳада ишлаб чиқариш ва туризм марказига айланмоқда. 10 ГВтдан ортиқ “яшил шамол энергияси” ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда – бу минтақани мамлакат ичидаги энергия экспортчисига айлантиради ва электр энергияси нархини пасайтиради.

(Давоми 2-саҳифада).

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖАДИД ҲАРАКАТИ



Туркистон жадид ҳаракати тарихида Қорақалпоғистон ҳудудида фаолият олиб борган маърифатпарварлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган 1910 йилги Хива хонлигидаги бекликлар, аҳоли сони, ер ҳажми, миллий таркиби ва кимлар ҳокимлик қилаётганига оид рўйхатга олиш материалларида 27 та маъмурий бекликлар қаторида, Хўжайли ва Қўнғиротга оид статистика ҳам келтирилган. Унга кўра, Хўжайлида 60 минг таноб ер бўлиб, икки минг хонадонда ўртача 7 кишидан истиқомат қилган. Ҳудудда 45 ёшли Авазбийхўжа Муртазабий 20 йиллик тажрибага эга ҳоким эди. Бу муҳим стратегик ҳудудларда нафақат иқтисод, савдо, аграр соҳа, балки таълим ҳам ривожланган бўлиб, хусусан, жадид мактаблари истиқболли соҳа сифатида фаолият кўрсатарди.

(Давоми 7-саҳифада).

ФАКТ

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади.**


✓ **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хабар беришича, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 3,9 фоизгача қисқарди.**

✓ **Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг I Технологиялар форуми ўтказилди.**

✓ **XX Осиё ўйинларида merganimiz Владимир Свечников 10 метр масофадан пневматик тўппонча билан отиш дастурида олтин медални қўлга киритди ва 244,3 очко билан Осиё ўйинлари рекордини янгилади.**

ТЕРАН ТОМИРЛАР

ИНТЕРНЕТНИ ЕНГГАН КОШҒАРИЙ



1988 йилнинг ёз ойларида Самарқанд вилоятининг Қизилқарвон (эски номи Қуйи Ингичка) қишлоғи, Ашрафсой этаклари, қадимий Будрач манзилгоҳи, Ниёзтепа, Омонтепа, Эшмонтепа ёдгорликларини тадқиқ этиш учун олис Ленинград (Санкт-Петербург)дан бир гуруҳ тарихчи ва археологлар келади.

АСИЛ КЎМЧУ СЎЗЛАРИМ

Кексаларнинг гувоҳлик беришича, ўшанда маълум муддат Будрачда қазишма ишлари олиб борилиб, бир қанча осори-атиқалар топилган. Кунлар совигач, тадқиқотчилар яна келишларини айтиб, юртига қайтиб кетади. Бироқ кейинчалик собиқ Иттифоқ тарқаб кетгани туфайлими ёки бошқа сабабданми, ҳудудда изланишлар шу бўйи тўхтаб қолади.

Орадан йиллар ўтиб, ёши улуғлардан бу гапларни эшитгач, қизиқиб қолдим: тадқиқот натижалари қандай бўлган экан, бу ҳақда бирор жойда эълон қилинганмикан?.. “Будрач” – нима дегани ўзи, бу ғалати ном ким ёки ниманинг шарафига қўйилган?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га киритилмаган. Таркибида **ч** товушининг мавжудлигига қараганда, арабча ҳам эмас (араб тилида **ч** ҳарфи йўқ).

Эскидан-эски иморат қолдиқлари, бир неча гектар ерни қамраб олган қадимий девор харобалари, ҳар қадамда учрайдиган сопол синиқлари, пишиқ ғишт бўлаклари бу ернинг бир замонлар чоғроқ қалъа ёки ўртача карвонсарой бўлганидан далолат берарди.

Бир тарафдан ёшлик шавқи, бошқа томондан кўп йиллардан буён ўзимни қийнаб келган саволларга жавоб топилар, Будрачимиз ҳақида бир энлик маълумот чиқиб қолар, деган умидда интернетни кўп титкиладим, тарих китобларини варақладим.

(Давоми 4-5-саҳифаларда).

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Муҳаммад АЛИ

БУГУН АНДИЖОННИ КЎРИНГ

Юксакларда – самоларда
Қушлар учар ҳаволарда,
Чирқиллашар, айлаб гурунг:
“Бугун Андижонни кўринг!”

Шаббода ҳам майин елар,
Бўстонлардан эсиб келар...
Сиз ҳам йўлни бу ён буринг!
Бугун Андижонни кўринг!

Андижонни ҳеч кўрмабсиз –
Ҳали дунёга келмабсиз...
Келинг, қандингизни уринг:
Бугун Андижонни кўринг!

Элда борар зўр тантана:
Юртбошимиз келмиш, мана!
Озод ҳаёт гаштин суринг,
Бугун Андижонни кўринг!

Қават-қават бинолар мўл,
Нақ жаннатга борар бу йўл.
Бобур Мирзо ўтмиш бурун,
Бугун Андижонни кўринг!

Меҳмон келар йироқлардан,
Кўча яшнар байроқлардан.
Диллар, диллар-эй, жўш уринг!
Бугун Андижонни кўринг!

Кўк сомсалар дастурхонда,
Анжан палов бир томонда...
Чойхонада гаштак қуринг,
Бугун Андижонни кўринг!

Яшнаган муҳташам гул боғ
Ватан кўксидаги бир тоғ!
Қайнаб тошар завқ-суруринг
Бугун Андижонни кўринг!

Оҳ, Андижон, она юртим!
Сен бор, – болта кесмас муртим!
Нурга тўлсин мангу умринг!
Бугун Андижонни кўринг!
Янги Андижонни кўринг!
Ҳур Ўзбекистонни кўринг!

ИЛМ ЙЎЛИ

ТУГАНМАС ҚУВВАТ МАНБАИ

Академик Қаҳрамон АЛЛАЕВ билан суҳбат

– Домла, болаликдан катта илм-фан сари бошланган йўлингизга назар ташласак, энергетика соҳасини танлашингизга ундаган омиллар нимада?

– 1963 йилда Хива шаҳридаги мактаб-интернатнинг ўзбек гуруҳини тамомлаганман. Мактабни олтин медаль билан битириб, Москва энергетика институтига ўқишга кирдим. Кўпчилик, айниқса, шогирдларим: “Домла, ўзбек мактабини тамомлаб, қандай қилиб Москва энергетика институтига кирдингиз? У ерда дарслар рус тилида-ку”, деб сўрашади. Мен шундай жавоб бераман: бизнинг соҳамизда, умуман, техника ва энергетикада асосий фанлар математика, физика, кимё ҳисобланади. Бу фанларнинг формулалари эса қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, бир хил. Математикадан, физикадан имтиҳонларни яхши баҳоларга топширганим учун институтга ўқишга кирдим. 1963 йили талаба бўлиб, 1969 йилда институтни тамомладим.

(Давоми 3-саҳифада).

АНЖУМАН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН *мушоираси*

Миллий давлатчилигимиз тарихида маърифатпарвар ҳукмдорлар хайрихоҳлиги билан ўз даврининг етук шоирлари иштирокида мушоиралар ўтказиб турилган. Темурийлар даврида, хусусан, Султон Ҳусайн Мирзонинг нафис мажлислари ҳазрат Алишер Навоий нури билан файзиёб бўлган. Хонликлар даврида ҳам бу анъана давом этди. Ўзлари нозиктаъб шоир бўлган хонлар – Амир Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройлари ҳам “шоиру шеъру шуур” шукуҳига тўла бўлгани ҳақиқат. Ичан қалъанинг адл минорлари, феруза гумбазлари аро шу даргоҳда юз йилнинг нари-берисида Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ғазаллари янграб турган.

(Давоми 2-саҳифада).



ХОНОБОДДАН ЭЛОБОДГАЧА



Бошланиши 1-саҳифада.

2030 йилгача жами 3 минг 300 мегаваттли шамол станцияларини ишга тушириш, “яшил” энергия улушини 76 фоизга етказиш ва 400 мегаваттли энергия сақлаш қувватини яратиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳаллий удум ва шароитга кўра қайта ишлаш ва чорвачиликка йўналтирилади. 10 йил ичида гўшт ва сут ишлаб чиқариш 3 баробар ошиши кутилмоқда. Кунжут ва мош каби янги экинларни ривожлантириш Туркия ва Саудия Арабистони экспорт бозорларига йўл очади.

Тиббиётда юқори технологик хизматлар кенгаймоқда. Нукусда жигар ва буйрак трансплантацияси амалга оширилмоқда, Оролбўйи болалар шифохонасида 150 тўрдаги юқори технологик хизмат кўрсатиляпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бошқарув концепцияси оддий, лекин улуғвор: инсон қадри ҳамма нарсадан устун. Йиллар давомида яккаҳокимлик остида эзилган пахтакор энди меҳнатининг эвазига роҳат кўради. Мажбурий меҳнат тарихга айланди. Деҳқон ерга эгалик қилади, фермер ҳосилини ўзи сотади. Бу шунчаки қоғоздаги ислоҳот эмас, балки инсон шаънининг тикланишидир. Пахта бугун кийимга айланиб, экспортга чиқмоқда. Фермерлар ҳаётидан мамнун, болалар далада эмас, мактабда.

Ташриф давомида 7 миллиард долларлик 47 та лойиҳа қурилишига старт берилди. Жумладан, Қўнғиротда 2 миллиард 600 миллион долларлик, қуввати 1,5 минг мегаваттли шамол станцияси барпо этилади. Лойиҳа доирасида 1,5 минг километр юқори кучланишли тармоқ ва 500 киловольтли 3 та подстанция қурилади. 2030 йилгача жами 3 минг 300 мегаваттли шамол станцияларини ишга тушириш, “яшил” энергия улушини 76 фоизга етказиш ва 400 мегаваттли энергия сақлаш қувватини яратиш режалаштирилган.

Хуллас, яқин пайтларгача ўз ҳолига ташлаб қўйилган Қорақалпоғистон имкониятлар ўлкасига айланди.

ГЛОБАЛ ТРАНСПОРТ – ЛОГИСТИКА ХАБИ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг шиддатли ўсиши, саноат ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ва ташқи савдо географиясининг диверсификация қилиниши замонавий, ишончли ва кўп тармоқли транспорт инфратузилмасини талаб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев транспорт-логистика соҳасидаги йирик стратегик лойиҳаларнинг бориши юзасидан ўтказилган тақдимот билан танишди. Унда белгиланган вазифалар ва мақсадлар Ўзбекистонни икки томонлама денгизга чиқиш йўли бўлмаган мамлакатдан Тинч океанидан то Европагача бўлган энг қисқа ва хавфсиз қуруқлик кўпригига айлантиришдек улкан тарихий миссияни очиб берди.

Темирйўл транспорти Ўзбекистон экспорт ва импортининг 80 фоиздан ортиғини ташиб берувчи темир карвон ҳисобланади. Саноат юклари ортгани сабабли тармоқнинг асосий бўғинлари модернизация қилинади. Мақтаарал – Сирдарё, Ангрен – Поп, Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон, Тошкент – Самарқанд ва Тўқимачи – Ангрен темирйўл участкалари модернизация қилиниб, ўтказувчанлик 25–30 фоизга оширилади.

Аср лойиҳаси бўлмиш “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темирйўли қурилиши, Тошкент – Самарқанд йўналишида алоҳида янги юқори тезликдаги темирйўл барпо этиш ҳамда хусусий сектор кўмагида юк вагонлари паркини янгилаш лойиҳалари жадаллаштирилади.

Бу – миллий тадбиркорларимизга жаҳон бозорларини энг қисқа, арзон ва ишончли йўллар билан очиб бериш, янги иш ўринлари яратиш ва Ўзбекистонни минтақанинг энг йирик транзит марказига айлантиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.

“ЯШИЛ МАКОН”: МИҚДОРДАН СИФАТГА

Президент Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллаларда аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш ва инновацион ечимларни жорий этиш юзасидан ўтказилган тақдимотда ушбу муаммоларни кескин кўтариб, экология соҳасини сон кўрсаткичларидан сифат ва илмий асосланган натижадорликка ўтказиш бўйича концептуал вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари кўкаламзорлаштириш ишларининг самарадорлигини баҳолашда баландпарвоз рақамлардан воз кечиш вақти келганини таъкидлади. Эндиликда асосий мезон – экилган кўчатларнинг бир, уч ва беш йилдан кейинги ҳолати ва тутиб кетиш даражаси бўлади. Шу муносабат билан кўкаламзорлаштириш тўлиқ илмий асосда ташкил этилади.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим таянчи – бу фуқаро ва тадбиркорларнинг давлат идоралари олдидаги тенг ҳуқуқи, уларнинг қонуний манфаатлари мустаҳкам ва ишончли суд ҳимоясида бўлишидир.

Президент Шавкат Мирзиёев маъмурий одил судловни янги босқичга олиб чиқиш истиқболларига бағишланган тақдимот билан танишди. Ушбу тақдимотда илгари сурилган концептуал таклифлар мамлакатимизда маъмурий судлар ваколатларини тубдан кенгайтириш, фуқаролар ҳуқуқларини проактив (олдиндан) ҳимоя қилиш ҳамда мансабдор шахслар масъулиятини оширишга қаратилган мутлақо янги ҳуқуқий даврни бошлаб бермоқда. Эндиликда соҳада илғор хорижий тажриба асосида 15 га яқин янги ҳуқуқий институтни жорий этиш режалаштириляпти. Бу ўзгаришлар маъмурий судловнинг нафақат шаклини, балки мазмун-моҳиятини янги поғонага кўтаради.

Маъмурий судловни ислоҳ қилиш бўйича Президентимиз томонидан маъқулланган янги қадамлар инсон қадри ва мулк дахлсизлигини таъминлашда тарихий аҳамиятга эга. Бу ислоҳотлар давлат аппаратини янада очиқ, қонунга итоаткор ва фуқарога ҳурмат билан қарашга ўргатади. Энг муҳими, одил судлов эндиликда фуқаро ва тадбиркорнинг муаммоси кетидан қувиб юрувчи эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқларини олдиндан ҳимоя қилувчи чинакам адолат қўрғонига айланади.

ЭНЕРГЕТИКА СТРАТЕГИЯСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида электр энергетикасини ривожлантириш



истиқболлари ҳамда соҳадаги лойиҳаларни бошқариш механизмларини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган тақдимот мамлакатимизнинг яқин ва узоқ муддатли энергетиклари иқтисодий стратегиясини очиб берди. Тақдимотда илгари сурилган ғоялар ва рақамлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон эндиликда энергетикада кунлик муаммоларни ҳал қилиш босқичидан ўтиб, талабдан олдинда юрувчи, юқори технологик ва бозор тамойилларига асосланган стратегик режалаштиришга тўлиқ ўтмоқда. 2030 йилга бориб Ўзбекистон иқтисодиёти ҳажми 300 миллиард долларга етиши, аҳоли сони эса 41 миллиондан ортиши кутилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ЧОРРАҲАСИДА

Аёнки, Андижон мамлакатимиздаги ҳудуди энг кичик, аҳолиси эса энг зич вилоят ҳисобланади. Вилоят республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса қарийб 10 фоизини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Андижонда ернинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига қилган ташрифи ҳудуд иқтисодиётида чинакам саноат, инвестиция, инновация ва инфратузилмавий инқилоб даврини бошлаб берди. Янгиланган халқаро аэропортдан тортиб, сунъий интеллект билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналари, микрогидроэлектр станциялари ишлаб чиқариш, сунъий интеллект марказлари ва инфратузилмавий мега-лойиҳалар Андижоннинг нафақат Фарғона водийси, балки бутун мамлакат миқёсидаги стратегик аҳамиятини янги босқичга кўтарди.

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи доирасида янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимида ҳам иштирок этди. Маросимда умумий қиймати 9 миллиард 400 миллион доллар бўлган 206 та лойиҳа қамраб олинди. Шундан 2 миллиард 50 миллион долларлик 98 та лойиҳа ишга туширилди, 7 миллиард 350 миллион долларлик 108 та лойиҳанинг қурилиши бошланди.

Ташриф якунида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Энг асосийси, ташриф давомида қабул қилинган қарорлар, амалга оширилган ва старт берилган мега-лойиҳалар вилоятни саноат, юқори технологиялар, “яшил” энергетика ва логистика соҳасида Марказий Осиёнинг энг илғор ва жозибадор ҳудудларидан бирига айлантириши шубҳасиз.

ГЛОБАЛ ДИПЛОМАТИЯ

Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессияси доирасидаги юқори даражали ҳафталик ўз ишини давом эттирмоқда. Дунёнинг диққат марказида бўлиб турган мазкур глобал анжуман халқаро муносабатлар тизимидаги энг нозик ва мураккаб жараёнларни муҳокама қилиш, дунё келажагини белгиловчи муҳим қарорлар қабул қилиш учун асосий минбар ҳисобланади.

22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди. Учрашув чоғида Ўзбекистон ва БМТ ўртасида барқарор ривожлантириш мақсадлари, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва ҳамкорликнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. БМТ раҳбарияти Ўзбекистоннинг минтақавий интеграцияни кучайтириш, Оролбўйи минтақасида экологик ва гуманитар вазиятни яхшилаш борасидаги ташаббусларини доимий равишда юқори баҳолаб келиши бугунги кунда Ўзбекистон – БМТ муносабатлари нақадар ишончли ва стратегик тус олганини кўрсатади. Ўзбекистоннинг бундай нуфузли глобал жараёнларда фаол қатнашиши, мамлакатимизнинг ташқи сиёсатдаги очиқлик, конструктив ҳамкорлик ва тинчликсеварлик тамойилларига содиқлигининг яна бир ёрқин исботидир.

23 сентябрь куни Саида Мирзиёева БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг тинчлик ва халқаро ҳуқуқ бўйича позициясини баён қилди. У мамлакатнинг БМТ Хавфсизлик кенгашига номзоди, Қўшилмаслик ҳаракатига раислиги, Марказий Осиё, Афғонистон ва глобал муаммолар бўйича ташаббусларини маълум қилди. Шунингдек, Администрация раҳбари халқаро сиёсий вазиятга баҳо бераркан: “Бизга фақат қарор қабул қиладиган эмас, қарорларни амалга оширишга қодир БМТ керак. Бизга ҳар бир давлатнинг овози эшитиладиган БМТ керак”, – деб таъкидлади.

* * *

Ушбу ҳафта воқеалари ва Давлат раҳбари илгари сурган ташаббуслар Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим бир фалсафасини очиб беради. Ривожланиш фақат бугунги кун муаммоларини ҳал этиш эмас, балки ўн йиллардан кейинги авлод фаровонлигини кафолатловчи мустаҳкам пойдевор қуришдир. Хонободдан Элободгача амалга оширилаётган мазкур ислоҳотлар мамлакатимизнинг миллий мустақиллиги ва глобал рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқбол МИРЗО

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН мушоираси

Бошланиши 1-саҳифада.

Кейинги даврларда ҳам Хоразм тупроғи не-не соҳиби қаламларни дунёга берди. Ана шу улуғлар ёққан оловлар қўри бугун ёш ижодкорлар қалбини алангалатмоқда.

* * *

Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 17-18 августида Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Жараёнда Хива шаҳрида янги барпо этилган Конгресс-холл, уч юлдузли меҳмонхона ҳамда “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида Хоразм вилояти жамоатчилиги вакиллари билан самимий мулоқот қилди. Суҳбатда кейинги йилларда воҳада рўй бераётган улкан ўзгаришлар, одамларнинг турмуш тарзи ва тафаккуридаги янгиланишлар ҳақида сўз борди. Қадимий Хоразм заминида Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик, тараққиёт ва янгиланиш руҳи тобора яққол намоён бўлаётгани таъкидланди. Вилоятнинг бой тарихи ва анъаналарини асраб-авайлаган ҳолда, уни замонавий, обод ва фаровон ҳудудга айлантириш йўлидаги ишлар изчил давом эттирилиши қайд этилди. Адабий анъаналарга эш ўлароқ, Хивада “Янги Ўзбекистон мушоираси” номли йирик адабий анжуман ўтказиш таклифи илгари сурилгани илҳом булоғи қайнаб турган аҳли ижод учун айни муддао бўлди. Мазкур мушоира 17 сентябрда кўтаринки руҳда ўтказилди.





Тадбир нафақат ижодкорларни бир майдонга жамлаган анъанавий учрашув, балки замонавий ўзбек шеъриятининг бугунги нафасини, руҳи ва йўналишини намойиш этувчи маънавий-маърифий воқеага айланди. Мушоиранинг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Ботир Саидов вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимовнинг табрик хатини ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо сўнгги йилларда амалга оширилаётган адабий ислоҳотлар муносабати билан ижодкорларни қутлади.

Анжуманда Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Хосият Бобомуродова, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Фарида Афрўз, Зебо Мирзо, Мунаввара Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Ашур, таниқли шоирлар Гавҳар Ибодуллаева, Меҳрибон Абдураҳмонова, Ибодат Ражабова, Сайёра Самандар, Хуршида Ваҳобжон қизи, Шодмон Сулаймон, Муҳаммадсиддиқ Раҳматов ва бошқалар ўз фикрларини баён этиб, ижодий ишларидан намуналар тақдим қилди. Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, катта полвонлар ўртага тушмаса, давра қизимайди. Устозлардан кейин минбар Янги Ўзбекистоннинг навқирон ижодкорларига берилди. Йигит-қизлар янги ва яхши шеърларини ўқиди. Бу – мушоирага авлодлар давомийлиги ва адабий анъаналарнинг янги нафас билан бойиб бораётганидан далолат берувчи алоҳида маъно бағишлади. Хусусан, Наргиза Одинаева, Ситорабону Шомуродова, Раҳмат Бобожон, Ислом Али, Муҳаммадали Ғаффоров, Нурмуҳаммад Абдузоир чиқишлари гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

Шеърий чиқишлар Ватанга муҳаббат, миллий ўзлик, инсон қадри ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш мавзуларига бағишланди.

“Янги Ўзбекистон мушоираси” – шунчаки навбатдаги адабий учрашув эмас. Бу мушоира замонавий ўзбек шеъриятининг бугунги руҳини, изланишлари ва йўналишини акс эттирувчи, устоз ва шогирдларни бир майдонда жамлаган маънавий-маърифий тадбир сифатида алоҳида аҳамият касб этди. Адабиётнинг эзгу сўзи, ижодкорларнинг самимий туйғулари уйғунлашган анжуманда она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга эҳтиром ва юртимиздаги янгиланишлар руҳи ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топди.

Аббосбек ШОЙИМОВ

ТУГАНМАС ҚУВВАТ МАНБАИ

Академик Қаҳрамон АЛЛАЕВ билан суҳбат

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўша пайтда энергетика бугунгидек ривожланган соҳа эмас эди. Ёшларни муайян касбга йўналтиришда педагогларнинг роли жуда катта. Менга ҳам математика фанидан дарс берган, марҳум устозимиз Тўлқин Отабоев: “Сен энергетик бўлишинг керак”, деб кўп айтарди. Нега айнан энергетика? Чунки қурувчининг ғишт қўйишини, металлургнинг металл қуйишини кўриш мумкин. Энергетикада эса симдан ўтаётган токни кўрмайсиз. Уни фақат тафаккур, фикрлаш орқали англаш ва бошқариш мумкин. Устозимнинг шу тавсияси менга катта туртки бўлган. Орадан йиллар ўтиб, энергетик бўлдик, шу соҳада анча ишларни амалга оширдик. Бугун эса мамлакатимиз энергетикаси билан шуғулланиб, ўзимизнинг илмий мактабимизни яратдик. Шогирдларимиз бу ишларни давом эттирмоқда.

Ҳозирги ёшлар жуда иқтидорли ва истеъдодли. Масалан, бизда докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича илмий кенгаш бор. Унинг 21 нафар аъзосидан 16 нафари айнан шу кенгашда диссертация ҳимоя қилиб, фан доктори илмий даражасини олган. Улар 35-42 ёш оралиғида. Бу, албатта, қувонарли ҳолат. Чунки илм-фан, ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳар қандай соҳанинг ривожини, аввало, янги авлод таъминлайди. Шу боис, иқтидорли йигит-қизларни топиш, уларни юзага чиқариш, йўл-йўриқ кўрсатиш жуда муҳим. Мактабдаги устозларнинг бу борадаги меҳнати, айниқса, беқиёс. Ҳозирги ёшлар ҳам ўзига хос, шунинг учун уларга тўғри йўналиш бериш осон эмас. Аммо ўз вақтида берилган биргина маслаҳат ҳам боланинг бутун ҳаёт йўлини ўзгартириши мумкин.

Ёшлар, аввало, математика, физика, кимё каби фундаментал фанларни чуқур ўрганиши керак. Чунки техника ва технологик ривожланишнинг асоси шулардир. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Умумий дунёқараш ҳам кенг бўлиши керак. Улар тарихни, адабиётни, мамлакатда ва дунёда юз бераётган жараёнларни ҳам билиши зарур. Инсоннинг дунёқарашини кенгайтириш, унда илмга ва ҳаётга қизиқиш уйғотиш, аввало, мактабдан бошланади.

– Илмий изланишларингиз энергетика тизимларининг турғунлиги ва ишончлилигига бағишланган. Бу тадқиқотларнинг амалий фойдалари қайси жабҳаларда кўриняпти?

– Энергетиканинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун электр энергияси ярим соатга ўчиб қолган ҳолатни ўйлаб кўришнинг ўзи кифоя. Деярли барча жараёнлар тўхтаб қолади. Шунинг учун энергетика соҳасида ишлайдиган муҳандисларнинг энг асосий вазифаси – истеъмолчига электр ва иссиқлик энергиясини керакли вақтда, керакли миқдорда ва сифатли етказиб беришни таъминлаш. Истеъмолчини энергия қаерда ишлаб чиқарилгани ёки қаерда қандай авария юз бергани қизиқтирмайди. Унга керак бўлган пайтда электр энергияси бўлиши керак. Демак, энергетикларнинг асосий мақсади – тизимнинг ишончлилигини таъминлаш.

Ана шу узлуксизликни таъминлаш учун қайта тикланувчи қувват манбаларига мурожаат этишимиз керак. Унинг энг муҳим афзалликларидан бири – атроф-муҳитга анъанавий ёқилғилар каби зарар етказмайди. Шу боис, мамлакатимизда ҳам бу йўналишга катта эътибор қаратилмоқда. Келажакда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада кенгаяди. Бу, бир томондан, атроф-муҳитни асрашга хизмат қилса, иккинчи томондан, табиий газ каби қимматли ресурсларни тежаш имконини беради. Газни шунчаки ёқиб юбориш ўрнига, ундан бошқа соҳаларда, юқори қўшилган қиймат яратадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Бир олимнинг жуда образли гапи бор: нефть ва газни шунчаки ёқиш – пулни ўчоққа ташлаш билан баробар. Шунинг учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш керак. Бизга берилган қуёш ва шамол энергиясидан имкон қадар кенг фойдаланиш эса шу нуқтаи назардан жуда муҳим. Албатта, бу борада технологияларни ҳам такомиллаштириш зарур. Масалан, турли энергия манбаларининг фойдали иш коэффициенти бир хил эмас. Шунинг учун қуёш ва шамол энергиясидан олинаётган ресурсни имкон қадар самарали ўзлаштириш, уни истеъмолчига ишончли етказиб бериш бугунги энергетика олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

– Сиз энергетика соҳасига турли сиёсий даврларда қандай муносабатда бўлинганига гувоҳ бўлгансиз. Сўнгги йилларда ушбу тизимда қандай ўзгаришлар юз берди?

– Ҳар қандай катта ўзгариш қадамма-қадам амалга ошади. Сўнгги йилларда энергетика таъминотини юқори даражага кўтариш, энг аввало, унинг ишончлилигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кенгаймоқда.



Қуёш ва шамол энергиясининг имкониятлари катта, аммо уларнинг бир жиҳатини ҳам ҳисобга олиш керак: кечаси қуёш бўлмайди, шамол эса исталган пайтда тўхташи мумкин. Демак, бундай вазиятлар учун захира энергия манбаларини яратиш зарур. Бу борада гидроэлектр станциялар, гидроаккумуляцион станциялар ва аккумулятор батареялари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, гидроаккумуляцион станцияларда сувдан қайта фойдаланиш орқали энергияни захиралаш ва керакли вақтда ундан фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизда бундай станцияларни барпо этиш ишлари ҳам бошланган. Бу энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлашда муҳим қадам.

Шу билан бирга, энергетикада базавий энергия манбалари ҳам бўлиши керак. Бунга иссиқлик ва атом электр станциялари киради. Атом электр станцияси доимий равишда энергия ишлаб чиқариши билан муҳим. Ҳозир мамлакатимизда атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Демак, келажак энергетикасида қуёш ва шамол каби ўзгарувчан манбалар, иссиқлик ва атом станциялари каби базавий манбалар ҳамда гидроаккумуляцион станциялар ва аккумуляторлар каби захира воситалари бир-бирини тўлдиради. Ана шу тизимни тўғри йўлга қўйсак, энергетика таъминотининг ишончлилиги янада ошади.

Биз бу жараёнларнинг истиқболини ҳисоб-китоб қилганмиз. 2030, 2035 йилларда қанча электр ва иссиқлик энергияси керак бўлиши, уни қайси манбалардан олиш мумкинлиги бўйича ҳисоблар мавжуд. Ҳозир бу прогнозларни янада узоқ муддатга – 2050 йилгача ишлаб чиқяпмиз. Буни энергетикада “энергия баланси” дейилади. Ҳар қандай катта иш олдиндан режалаштирилгани каби энергетикани ҳам узоқни кўзлаб режалаштириш керак. Бу катта тизимларни бошқарадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ. Атом энергетикаси ривожланаётган экан, уни ким бошқаради, деган долзарб савол турибди олдимизда. Бугун биз – фаолият юритаётган авлоднинг ўрнига эртага ёшлар келади. Шунинг учун уларнинг билими жуда пухта бўлиши керак. Ишонаманки, ўзимизнинг ёш мутахассисларимиз етишиб чиқиб, келажакда атом станцияларини ҳам, бутун энергетика тизимини ҳам муваффақиятли бошқаради.

– Илмий изланишларингиз натижалари йирик энергетика объектларида амалиётга жорий этилган. Олим учун ўз ғояси ҳаётда самара бераётганини кўриш катта завқ бағишласа керак...

– “Авесто” китобида “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тушунча бор. Ҳар қандай катта иш, аввало, фикрдан бошланади. Олим ҳам бирор масалани ўрганар экан, унинг натижаси амалиётда қўлланса, қандайдир қурилма, технология ёки маҳсулотга айланса, бундан ортиқ қувонч бўлмайди.

Москвада ўқиб юрган давримда устозларим билан энергетика тизимларининг ишончлилигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб бордим. Хусусан, янги турдаги генераторларнинг ишлаш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотларим кейинчалик амалиётга жорий қилинди. Бугунги кунда Россияда ушбу ишланмалар асосида яратилган йирик электр машиналари ишлаб турибди. Илмий мақоласига бошқа олимлар мурожаат қилаётгани, тадқиқотидан фойдаланаётганини кўриш ҳам олим учун катта бахт.

Бугун шогирдларимиз ҳам шу анъанани давом эттиряпти. Масалан, металлургия, тўқимачилик, кимё каби соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яъни, маҳсулот сифатини пасайтирмаган ҳолда, ишлаб чиқаришга сарфланадиган энергияни камайтириш – энергия самарадорлиги дегани. Чорвоқ ГЭСда ҳам шогирдларимиздан бири олиб борган тадқиқот натижасида генератор қувватини ошириш имконияти яратилди. Бундай натижалар илмий изланишларнинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Шунинг учун ёш олимларга доим бир нарсани уқтирамиз: илмий ғоя қоғозда қолиб кетмаслиги керак. У имкон қадар ҳаётга татбиқ этилиб, технологияга, қурилмага, маҳсулотга ёки реал натижага айланиши лозим. Олим учун асосий мақсад ва катта бахт ҳам шунда.

– Узоқ йиллардан бери нафақат олим, балки педагог сифатида ҳам фаолият юритасиз. Шогирд тарбиялаш билан илмий изланиш олиб бориш ўртасида қандай боғлиқлик бор?

– Жуда тўғри айтасиз. Бу, умуман олганда, кадрлар тайёрлашнинг асосидир. Москвада ўқиганимда бизга ўз соҳасининг етук намояндалари – Сергей Избушев, Георгий Петров, Ирина Литкис, Николай Соколов каби машҳур академиклар ва олимлар дарс берган. Биз улардан билим олдик ва бугун ўша билимларни ривожлантириб, кейинги авлодга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Устоз-шогирд тушунчасининг моҳияти ҳам шунда. Биз ўзимиз эгаллаган билим ва тажрибани ёшларга беришимиз, уларни илмга қизиқтиришимиз, тўғри йўналишни кўрсатишимиз керак.

Демак, энергетиканинг келажакдаги ривожи ҳам кўп жиҳатдан бугун қандай кадрлар тайёрлаётганимизга боғлиқ. Шу маънода, устоз-шогирд анъанаси – шунчаки билим бериш эмас, балки келажак учун мутахассис тайёрлаш масъулиятидир.

– Ҳам дарс бериб, ҳам илмий изланиш олиб бориш қийинчилик туғдирмайдими?

– Мен бунинг аксини айтган бўлардим. Ёшлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг кўзидаги қизиқиш ва бераётган саволларини кўрсангиз, ўзингиз ҳам янги фикрларга эга бўласиз. Ҳозир вилоятларда ёшлар, талабалар, мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказяпмиз. Уларнинг саволларидан ҳайратланаман. Масалан, Қорақалпоғистонда 7-синф ўқувчиси менга космосдан келаётган заррачалар, уларнинг хусусиятлари ҳақида савол берди. Яна бири атом энергетикасини қандай ривожлантириш, унинг ишончлилигини қандай ошириш мумкинлигини сўради. Энг қувонарлиси, ҳудудидан қатъи назар, ёшларнинг саволлари мазмунан бир-бирига яқин. Бу уларнинг фикрлаши ва қизиқишлари тўғри йўналишда шаклланаётганидан далолат беради.

Яқинда Бўзатов туманидаги бир мактабга бордим. Мактабни 27 нафар ўқувчи тамомлаган экан, уларнинг барчаси олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Мактаб директоридан бунинг сирини сўрадим. У менга математика ва физика фанларидан кучли ўқитувчиларни жалб қилгани, уларга муносиб шароит яратгани, дарсдан ташқари тўгараклар ташкил этиб, болалар билан қўшимча шуғулланганини айтди.

Мана, устоз-шогирд анъанаси деганда мен шуни назарда тутаман. Ўқитувчи ўз билимини бериб, боладаги қизиқишни ривожлантирса, натижаси, албатта, кўринади. Ҳозир мактабларда қўшимча машғулотлар, тўгараклар ва фанларга ихтисослашган дарслар йўлга қўйилмоқда. Чунки масала фақат боланинг олий таълимга киришида эмас. Тўгараклар ва қўшимча машғулотлар унинг дунёқараши, билимга қизиқиши ва фикрлаш доирасини ҳам кенгайтиради. Бунинг замирида, энг аввало, яхши устоз туради. Шунинг учун ўқитувчига эътибор бериш, унинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш жуда муҳим.

Сингапур “мўъжизакор юрт” сифатида дунёга танилган. Унинг тараққиётига Ли Куан Юнинг таълим ва ўқитувчилар мавқеига алоҳида эътибор қаратгани сабаб бўлган. Менимча, бизда ҳам таълим, устоз ва олимларга эътибор кучайгани келажакдаги тараққиёт учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Янги авлоднинг билими ва салоҳияти мамлакат келажагини белгилайди.

– Ҳозир атрофингиздаги ёшларнинг билимидан, ўзлаштириши ва интилишидан қониқяпсизми? Шижоатли ёшлар кўпми?

– Очиғини айтиш керак, сўнгги пайтларда ёшлар учун яхши имкониятлар пайдо бўлмоқда. Тўгараклар, ихтисослаштирилган мактаблар, Президент мактаблари – буларнинг барчаси катта имконият. Энди, энг муҳими, шу имкониятлардан тўғри фойдаланиш ва уларни янада ривожлантиришдир.

Бу ерда устозларнинг масъулияти жуда катта. Мен буни қайта-қайта таъкидлаяпман: ўқитувчи ёшни тўғри йўналтирса, унинг қизиқишини қўллаб-қувватласа, билим олишга ундаса, натижа, албатта, бўлади. Кутубхона, китоб мутолааси ҳам жуда муҳим.

Ҳозирги илм-фан ва техника жадал ривожланаётган бир пайтда чет тилини билмаган одам халқаро илмий жараёндан четда қолиб кетиши мумкин. Тил билган ёшлар хорижий олимларнинг фикрини ўрганади, ўз тажрибасини уларга тушунтиради ва янги билимларни ишига татбиқ этади. Шунинг учун тил – шунчаки қўшимча кўникма эмас, бугунги мутахассис учун зарур восита.

– Сиз бутун умрингизни энергетика соҳасига бағишладингиз. Сизнингча, инсонни ҳаёти давомида олдинга ундаб турадиган энг катта энергия манбаи нима?

– Менимча, бу – интилиш. Инсонда бирор нарсани ўрганиш, ривожлантириш ва янги натижага эришиш истаги бўлиши керак. Аммо интилишнинг асоси – билим. Шунинг учун болаларимизнинг нафақат техник билимини, балки умумий дунёқарашини ҳам ривожлантиришимиз зарур.

Бу жараён оиладан бошланади, мактабда шаклланади, олий таълимда эса янада ривожланиб, катта ютуқларга олиб келиши мумкин. Ёшларни изланишга, ўрганишга, фикрлашга ўргатишимиз керак. Педагогикада бу мотивация, яъни, инсонни маълум бир мақсад сари йўналтириш, деб аталади. Бу вазифада устознинг ҳам, ота-онанинг ҳам масъулияти катта.

Яна бир гап. Дунёда тугамайдиган, камаймайдиган қувват манбаи бор. Бу – илм. Ана шу энергия тараққиёт ғилдирагини ҳаракатга келтиради. Илм қувватининг қанчалигига қараб, Ватан ва халқ эртасини тасаввур қила оласиз.

– Домла, Сизга ҳам битмас-туганмас ҳаёт қуввати тилаб қоламиз. Илмингиз таратган нур минглаб хонадонлар, юзлаб ёшларнинг қалбини мунаввар қилиб турсин.

Суҳбатдош:
Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА

ОЛАМ ОЛИМИ



Акира ЁСИНО

электроника оламида инқилоб ясаган нобелчи

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Акира Ёсино – япон кимёгари, замонавий техника ва электроника инқилобининг асосларидан бири бўлган литий-ионли аккумуляторларни яратган тадқиқотчилардан бири.

У 1948 йил 30 январда Осака префектураси Суита шаҳрида туғилган. Киото университетининг муҳандислик факультетини тугатган ва шу ерда нефть кимёси ва амалий кимё йўналиши бўйича магистрлик даражасини олган.

1972 йилда Япониянинг йирик кимё ва электрон материаллар концерни – “Asahi Kasei” корпорациясига ишга кирган. Кейинги бутун илмий ва амалий фаолияти айнан шу даргоҳ билан боғлиқ кечди. 2005 йил Осака университетида докторлик диссертациясини (PhD) ҳимоя қилган.

ХАВФСИЗ АККУМУЛЯТОР

1970–1980 йилларда олимлар енгил ва қайта қувватланадиган энергия манбаини яратиш устида бош қотиришаётган эди. Стэнли Уиттингем ва Жон Гуденаф литий асосидаги батареяларнинг концепцияси ва катод қисмини ишлаб чиққанди. Бироқ металл литийнинг портлашга кучли мойиллиги туфайли бундай батареяларни тижорий мақсадда ва хавфсиз ишлатиш имкони бўлмаган.

1983–1985 йилларда Акира Ёсино тадқиқотларда туб бурилиш ясади. У анод сифатида металл литий ўрнига нефть кокси – углеродли материалдан фойдаланди. Ёсино биринчи марта тўлиқ хавфсиз ва тижорий фойдаланишга яроқли литий-ионли аккумулятор концепциясини яратди ва патентлади.

Олим яратган системада батарея ичида кимёвий реакция сабаб металл литий емирилмайди. Анод ва катод ўртасида фақат литий ионлари ҳаракатланади. Бу батареянинг хавфсизлигини, чидамлилигини ва юқори кучланишни таъминлаб беради.

ФАН ВА ТУРМУШ

1991 йилда “Asahi Kasei” ва “Sony” ҳамкорлигида Акира Ёсино патентлаган технология асосида дунёдаги илк тижорий литий-ионли аккумуляторлар бозорга чиқарилди. Бу мобил телефонлар, ноутбуклар ва кейинчалик электромобиллар даврини бошлаб берди.

Ушбу литий-ионли аккумуляторлар сабабли кўчма электроника ва симсиз алоқа ривожланди. Қайта тикланадиган энергия манбаларини (қуёш ва шамол энергиясини) тўплаш ва сақлаш имконияти кенгайди. Электромобиль саноати ривожланиб, қазилма ёқилғига қарамликни камайтиришга замин яратилди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

Батареялар қуёш ва шамол электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сақлаб, зарур вақтда ундан фойдаланиш имконини бериши билан атроф-муҳит ифлосланишини камайтиради. Бироқ литий-ион батареяларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда хомашё ресурслари, энергия сарфи ва экологик таъсир каби масалалар ҳам мавжуд. Шунинг учун бу соҳадаги замонавий тадқиқотлар батареяларнинг самарадорлиги билан бир қаторда уларни қайта ишлаш ва янги материаллардан фойдаланиш имкониятларини ҳам ўрганмоқда.

ЭЪТИРОФ

Кимё бўйича 2019 йилги Нобель мукофоти Жон Гуденаф, Стэнли Уиттингҳем ва Акира Ёсинога “литий-ион батареяларини ривожлантиргани учун” берилди.

“Ҳозирги кунда ушбу енгил, қайта қувватланувчи ва шу билан бирга узоқ хизмат қилувчи батарея исталган техника учун – уяли телефонлардан тортиб ноутбуклар ва электромобилларга қадар ишлатилади”, дейилади Нобель қўмитаси баёнотида.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.





АСИЛ КЎМЧУ

Бошланиши 1-саҳифада.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Будрач деган манзилгоҳ бор экан, у ҳақида яхши маълумотлар чиқди, лекин Самарқанддаги Будрач тўғрисида, таассуфки, мен кўрган манбаларда лом-мим дейилмаган эди.

Будрач хаёли мени бир зум ҳам тарк этмаган умидли кунларнинг бирида буюк Маҳмуд Кошғарийнинг атоқли олим Солиҳ Муталлибов таржимаси асосида Содиқжон Қосимов нашрга тайёрлаган, 2017 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарида **“Будрач”** сўзига дуч келдиму тилла топган гадойдек қувониб кетдим.

Улуғ олимнинг маълумот беришича, **“Будрач – ябақулар бегининг”** (72-бет), 180-бетдаги изоҳга кўра эса **“ябақулар каттасининг оти”** бўлган.

Яна бир ўринда муаллиф **улуғ, катта, паҳлавон** маъноларини англатувчи **“бўка”** сўзини изоҳлар экан, ябақулар ўз улуғларини, баҳодир кишиларни **“бўка будрач”** деб эъзозлашларини таъкидлайди.

Будрач йема қудурди,
Алпағутин ўдурди.
Сусин яна қадирди,
Келгалимат иркашур.
(Будрач яна қутурди,
Аскарларига юзланди,
Алпларини саралаб,
Юриш учун тўплади).

Ябақу – туркий элат номи, “Девон”даги маълумотлардан англашимизча, хийла уришқоқ, жангари қавм бўлган. Кошғарий бобонинг XI асрда яшаганини инобатга олсак, демак, ўша замонларда ябақулар ўзларининг мустақил идора шаклига эга, аскарлари сони эса 700 минг атрофида бўлган. Лекин, чамаси, бошқа туркий қавмларга нисбатан Ислом динини кечроқ қабул қилган бўлишса керак, ҳар ҳолда, муаллиф уларнинг бошқа бир *мусулмон* турк элатига мағлуб бўлганини айтади.

Буни қарангки, йиллар давомида интернетдан излаб тополмаган сўзимни Кошғарий бобонинг китобидан топдим.

ТУРКИЙЛАР ЯРАТГАН ЦИВИЛИЗАЦИЯ

Бугун ҳаётимизни автомобиль, кран, компьютер, принтер, телефон, чангютқич, музлаткич сингари замонавий техника воситаларисиз тасаввур этолмаймиз. Кунда-кунора уларнинг янги русуми чиқиб турибди. Номлари хорижий, асосан Ғарб тилларида бўлгани боис, бу ускуналарнинг кашфиётчилари ҳам ё америкалик, ё европалик эканига шубҳа қилмаймиз.

Албатта, дунёда ҳамма нарса алдаши мумкин, ҳатто кўзимиз билан кўриб турган нарсаларимиз ҳам бизда ёлғон таассурот қолдириши ҳеч гап эмас. Бироқ Сўз ҳеч қачон алдамайди.

Кошғарий “Девон”ини мутолаа қилар эканмиз, унда келтирилган адабий-бадиий дурдоналар – халқ даҳосини намоён этувчи мақол ва маталлар, иборалар, шеър ва қўшиқлар; чорвадорлик, деҳқончилик, боғдорчилик, пазандалик, ҳарбий санъат, муҳандислик каби турмушнинг, халқ хўжалигининг барча жабҳаларини қамраб олган сўз ва атамалар туркийларнинг ўз вақтида буюк ва ноёб бир цивилизация яратганидан далолат беради.

Масалан, оддий **шприцни** олайлик. Википедияда ёзилишича, унинг бугунги замонавий шакли XIX асрда кашф этилган. Бироқ, биламизки, тиббиётнинг тарихи ундан анча қадимийроқ. Шприц ихтиро қилинишидан олдин ҳам табиблар қон-томир билан ишлаган. Хусусан, аждодларимиз минг-икки минг йиллар аввал ҳам қон олиш (ҳижома) билан шуғулланган. Уларнинг қон оладиган асбоблари – шприцлари эса, Кошғарий бонинг ёзишича, **сўрғу** деб аталган.

Бир неча йил олдин таниқли шарқшунос Роиқ Баҳодировнинг X асрда яшаган буюк олим Абу Абдуллоҳ Хоразмий ҳақидаги рисоласини ўқиган эдим. Унда муаллиф Хоразмий қаламига мансуб “Мафотиҳ улулум” асарининг механика бўлимида оғир юкларни кўтарадиган қурилма (кран) тузилиши, вазифалари батафсил баён этилганини ёзган эди.

Демак, кўтарма кран ҳам аждодларимиз турмушига бегона бўлмаган. Буни “Туркий сўзлар девони”даги биргина сўз тасдиқлайди. Бу – **“кўтургу”**. У асарда нарсаларни кўтарадиган ускуна, деб изоҳланган.

Шунингдек, “Девон”да келтирилган **ирғағ** (сувдан музни музхонага тортиб оладиган темир чангал), **бузлуқ** (музхона), **итағу** (тегирмон тоши ўрнатиладиган ёғоч паррак), **тиғри** (тегирмон парраги, сув чиқарадиган чиғириқ парраги, ипак ва ип ўрайдиган чарх, умуман, ҳар қандай ғалтак), **ангут** (воронка), **қирқлум** (ўлчов асбоби, тўлганда тахминан 1 килограмм келади), **сипак** (тегирмон тошининг устида айланадиган темир), **йанг** (қолип, андоза), **кип** (ҳар нарсанинг қолипи), **муйандиқ** (сардоба), **чечка** (тўқувчилар тароғи), **сали** (андава), **минғуй** (елим) сингари муҳандислик, ҳунармандлик атамалари, **ўкур** (тариқ), **тариғ** (буғдой), **тана** (кунжут), **таричи** (деҳқон) каби деҳқончиликка доир, **қартал** (ола-чипор қўй), **бугрул** (икки биқини оқ от), **чилгу** (тўқ сариқ от), **буғрул** (томоғи оқ қўй), **бошғил** (боши оқ мол), **буғро** (туянинг эркаги), **тетир**, **инган** (моя, яъни, урғочи туя), **тўқли** (олти ойлик қўзи), **тишак** (икки яшар қўй), **боқлон** (ёш, семиз қўзи), **чебиш** (олти ойлик улоқ), **турби** (бир яшар бузоқ), **кўкан** (бузоқ ва соғин бия арқони) каби чорвачиликка оид сўзларни ўқиган киши кўз олдида минг-икки минг йил олдинги боболаримиз ҳаёти, турмуш тарзи яққол намоён бўлади.

Туркий аждодларимиз ўқ-ёйнинг ёғоч қисмини **“улун”**, олмахоннинг ошланган терисини **“ижук”**, гипсни **“ўрунгак”**, хазиначини **“имғо”,** номсиз бармоқни **“жижамуқ”**, сочиқни **“сувлуқ”,** бош кийимни томоқ остидан боғлаб қўядиган ипак тасмани **“сақалдуруқ”**, мақолни **“сав”,** ақл тишини **“мунг”,** бачадонни **“ўғулчақ”**, шаҳарни **“балиқ”** (масалан, Хонбалиқ – Пекин) деб атаганларини кўриб, ҳайратга тушдим. Айни вақтда уларнинг осмон жисмлари ва сайёраларнинг ҳар бирига алоҳида ном қўйганлари ҳайратимни янада зиёда қилди.

Бугунги кун тили билан айтганда, чинакам академик тадқиқот маҳсули бўлган, тилимиздаги асил кўмчу (қимматбаҳо бойлик, хазина) сўзлар жамланган “Девону луғотит турк” барча туркий халқларнинг умумий бойлиги, фахру ифтихоридир.

2024 йили ушбу бебаҳо асар атоқли қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовнинг невараси, машҳур файласуф, адиб, давлат ва жамоат арбоби Мурат Авезовнинг қизи – таниқли туркшунос, арабшунос ва шарқшунос олима Зифа-Алуа Муратовна Авезова таржимасида, яна бир таниқли қозоқ ижодкори, Ўзбекистонда туғилиб ўсган Раҳматилла Райимқуловнинг қизи Оқтўти Райимқулова раҳбарлигидаги Туркий маданият ва мерос фонди томонидан Озарбайжоннинг Боку шаҳридаги “Zərdabi Neşr” нашриётида, рус тилида, юксак полиграфик сифат билан қайтадан чоп этилди. (Биринчи нашри – 2005 йили Олмаотада амалга оширилган).

Мазкур нашрнинг ўзига хос қиммати шундаки, унда муаллиф Маҳмуд Кошғарий ҳақида (“Об авторе Диван Луғат ат-Турк”), “Девон” ёзилган давр, асарнинг яратилиш тарихи (“Эпоха создания Диван Луғат ат-Турк”), асар қўлёзмалари тақдири (“О судьбе рукописи “Диван Луғат ат-Турк”), китоб ёзилган даврда туркийларнинг мусулмон дунёсида тутган ўрни (“Тюрки глазами мусульманского мира накануне событий XI века”), бу дурдона асарнинг жаҳон тилшунослигида ўрганилиши (“Диван Луғат ат-Турк в исследованиях XX века”), қайси тилларга қачон таржима қилиниб, нашр этилгани каби мавзуларда ўта нодир илмий маълумотлар тақдим этилган.

Шунингдек, таржимон ва сўзбоши муаллифи, Зифа-Алуа Муратовна Авезованинг турмуш ўртоғи, нидерландиялик заҳматкаш олим, шарқшунос ва тилшунос Роберт Эрмерс томонидан тузилган туркий сўзларнинг жорий алифбодаги махсус индекси (“Алфавитный индекс тюркских слов”), сўзларнинг астрономия, иқлимшунослик, география, минералогия, биология, зоология, ботаника, анатомия, ҳарбий санъат, овчилик ва бошқа соҳаларга оид махсус таснифланган кўрсаткичи (“Предметный указатель”) китобхонлар, хусусан, Маҳмуд Кошғарий “Девон”ини чуқурроқ ўрганишга бел боғлаган тадқиқотчилар учун ғоят муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қуйида туркий халқларнинг муштарак китоби, тарихимиз кўзгуси бўлмиш ушбу асардан танлаб олинган айрим қайроқ сўз ва иборалар, мақолларни сизга ҳам илинмоқдамиз.

МАХМУД АЛ-КОШГАРИ. “ДИВӐН ЛУГӐТ АТ-ТУРК”

Иқ – икота (ўзб. ҳиқичоқ).

Им – “пароль, вводимый правителем в своем войске, по названию птицы или оружия; слово, которым перекликаются (воины) при столкновении двух отрядов, так, чтобы каждая сторона знала своих и не нападала на них по ошибке”.

Им билса ар ўлмас (Зная пароль, человек не погибнет). (Ўзб. – **им, имо.** Бобур **“ўрон”** деб ишлатган).

Ува – частица, употребляемая как отзыв на обращение. (Ўзб. ҳовва – хоразм шевасида).

Анд – клятва (ўзб. **онт**).

Урт – пожар (ўзб. **ўрт, ёнғин**).

Урт – игольное ушко (ўзб. **игнанинг тешиги**).

Арк – власть, исполнение приказа (ўзб. **сарой, дарвоза, пештоқ** маъносида).

Ўт – огонь. Пословица:

Ўт тиса ағиз куймас.

(У говорящего “огонь” рот не обжигается. – “Ўт” деб айтганнинг оғзи куймас).

Уғут – название закваски для пива.

Увут – стыд (ўзб. **уят**).

Икат – служанка, которую отправляют прислуживать невесте в свадебную ночь.

Улут – убийство. Улутжи – убийца. (Ўзб. ўлдирувчи, қотил).

Атиз – полоска суши между двумя потоками воды. (Ўзб. **отиз, атиз** – дала, полиз. Хоразм шевасида).

Ўкуз – проточная река, как Жайхун или Фурат.

(Ўзб. Оқуз, Ўкуз, европачаси – Окс ва б.).

Ўбуш – обмен поцелуями (между двоими). (Ўзб. **ўпиш**).

Адаш – друг.

Ужаш – заклад. *У маниңг бирла ужашди.* (Он бился со мной об заклад).

Адиғ – медведь (ўзб. айиқ). **Айиғ** шакли ҳам бор.

Азиғ – клык животного.

Илиғ сув – теплая вода.

Ачуқ – что-либо открытое (ўзб. **очиқ**).

Ужақ – печь, очаг (ўзб. **ўчоқ**).

Ушақ – что-либо мелкое (**ушоқ мол**).

Ушуқ – железный шлем (ўзб. **дубулға**).

Уғуқ – галоша.

Ивиқ – антилопа, обитающая в каменистой местности и пустынях.

Абак – дети называют хлеб “абак”.

Ўтук – доклад или прошение, обращенное к султану. (Ўзб. **“ўтинч”** шундан бўлса керак).

Арук – общее название для персиков, абрикосов и слив, их различают по прилагательным. Так, персики называют тўлук арук, абрикосов – **сариғ арук,** сливы – **кара арук.**

Ўрук – что-либо плетенное называют урук. Так, косу называют “ўрук саж”. (**Ўрилган соч**).

Ирук – брешь в стене.

Пословица:

Кунда ирук йўқ,
Бакда қийиқ йўқ.

На солнце (на солнечном диске), нет бреши, а в обещаниях правителя нет обмана.

Ўзак – спинной мозг, т.е. вена внутри позвоночника.

Алик – рука. (Ўзб. **эли, элик**).

Атил – Волга. Название реки земли Кипчаков, впадающей в море Булгар, один из ее притоков протекает через Русь.

Убум – глоток.

Алим – долг, который причитается с человека.

Ирин – губа. (Ўзб. Навоий, Қодирий асарларида бор).

Ушун – лопатка.

Ақин – поток.

Акак ашлар – женщина легкого поведения.

Укак – ящик, сундук.

Укак – башня городской стены, оснащенная для боевых действий.

Аж – голодный (ўзб. **оч**).

Пословица:

Аж на йимас,
Тўқ на тимас.

(Чего не съест голодный?
Чего не скажет сытый?)

Оч нени емас, тўқ нени демас?

Ағ – расстояние между двумя бедрами.

Йуз от маник ағдин кажти (Сотня коней прошли между моими бедрами). (Ўзб. **оғ** – оғи. Шимнинг оғи).

Ав – дом. (Ҳозирги турк тилида **эв** дейилади).

Ала – прокаженный человек. (Ўзб. **мохов**).

Айақ, жанақ – чаша. (Ўзб. коса. Чаноқ сўзи ҳам шундан).

Уйа – брат, родственник.

Аба – мать, в огузском. У туркман-карлуков с твердым б (т.е. **апа**). (Ҳозирги турк тилида опани **abla** дейишади).

Ажа – то же, что и **ака**, старшая сестра. (ЎТИЛга кўра, шевада унга ўхшаш **ача** сўзи бор, буви маъносида).

Ака – старшая сестра. Огузы называют ее **аза**. (Эски ўзбек тилида – **“оқа”**. *Ўлжой оқа*).

Армут – груша (ўзб. **олмурут** шакли бор).

Азғир – жеребец (ўзб. **айғир**).

Арқиш – караван.

Узлуқ – широкая часть локтевой кости.

Утрук – хитрец (ўзбек тилининг жанубий шеваларида **ўтрик** сўзи ёлғон маъносида ишлатилади).

Учкил – треугольный. (Тўрткўл шаҳри номининг асл маъноси ҳам тўрт тараф, тўрт бурчак дегани. Худди “Чорсу”, “чорси” сўзларига ўхшаб).

Утран – брюки.

Ишғун – рубаб.

Авийа – айва, один из вариантов.

Азку – хороший (ўзб. **эзгу**нинг асли шу).

Ўғлоқ – козлёнок. (Ҳозирги ўзбек тилига **улоқ** шаклида етиб келган. Паркент шевасида ҳозир ҳам **“ўғлоқ”** деб қўлланади).

Ушақ – клевета. Ушақ сўз – клевета, злословие. (Ўзбек тилининг баъзи шеваларида ғийбат, бўлмағур гап маъносидаги **ўшак** сўзи бор).

Убка – легкие. (Ўзб. ўпка).

Убка – гнев. Это название основывается на том, что гнев зарождается в легком, они тесно взаимосвязаны, и эта подобно тому, как дождь называют небом (в арабском). (Ўзб. **“ўпка-гина”, “ўпкаламоқ”**).

Ўтунч – долг.

Ман ангар йармақ ўтунч бирдим.

(Я дал ему дирхем в долг).

Арнгайу – шестипалый человек.

Арнгайу – человек очень маленького роста, в два локтя высотой.

Урағут – женщина.

Алаван – крокодил.

Арғағ – рыболовный крючок.

Иккиз, икки ўғлон – близнецы.

Алимлиғ. Алимлиғ эр – человек, давший что-либо в долг.

Ўрунчақ – вещь, отдаваемая на хранение, в заклад.

Адашлиқ – дружба.

Ариғлиқ – чистота.

Аруқлуқ – усталость (**ҳоримоқ**нинг асли шу бўлса керак).

Ануқлуқ – готовность.

Атуклук, атуклук сағри – кожа для изготовления обуви.

Утуклук, утуклук киши – человек, у которого есть просьба к султану.

Узуклук – прекращение, перерыв.

Исиклик – жар-жара.

Исиклик – любовь, привязанность. *Кўнгул исиклики керак.* – В сердце должен быть жар любви.

Аликлик – перчатки.

Ухи – сова (ўзб. **укки**).

Ўткунч – рассказ. *Ўткуч ўткунди.* – Он рассказал историю.

Ўб – целовать. *Ул мани ўбди.* – Он поцеловал меня.

Пословица:

Ташиғ исрумаса ўбмиш керак. –

Тот, кто не может укусить камень, должен его поцеловать.

Ўб – пить. *Ар сув ўбди.* – Человек выпил воды.

Исир – кусать.

Пословица:

Ит исирмас, ат табмас тима.

Не говори, что собака не укусит, а лошадь не пнет. – Ит тишламас, от тепмас, дема.

Ашит – слышать.

Пословица:

Қулақ ашитса, кўнгул билур.
Кўз кўрса, ўдик калир.

Когда ухо слышит (слово, его) узнает и сердце, когда глаз видит (любимого), просыпается страсть.

Ижтур – поить. (Ўзб. **“ичир”**).

Пословица:

Сув ижурмаска сут бир.

Тому, кто не даст тебе и воды, дай молока.

Ижкар – вводить. (Ҳозирги “ичкари” сўзининг асли шу бўлса керак).

Иғлаш – плакать.

Алқин – быть исчерпанным; умирать, погибать. **Алқинди нанг.** – Что-либо было исчерпано. *Эр алқинди.* – Человек умер, погиб. *ЎТИЛда*: **Олқинди** – совун қолдиғи. **Олқинди** қайроқ – ейилиб кетган юпқа қайроқ.

Эрланмоқ – выходить замуж.

Эмланмоқ – лечиться.

Қут – удача; превратность судьбы.

Жир – жир. *Ашижта жир йўқ.* – В горшке нет жира.

Сир – лак. *Сирлиғ айақ.* – Лакированная чаша с узором.

Қир – плотина, вал.

Қир – плоскогорье.

Туз – что-либо ровное. *Туз йир.* – Ровная земля.

Қуз – теневую сторону гор называют **қуз тоғ**, солнце на ней светить лишь после полудня, так как, она остается по левую сторону от солнца. Там холодно и много снега.

Пословица:

Қузда қор аксумас,
Қўйда йоғ аксумас.

На теневой стороне гор не переводится снег, а у овцы не переводится жир.

Қиз киши – скупой человек.

Пословица:

Қиз киши сави йўриғли бўлмас.

Слава о скупом не распространится.

Так говорят, советуя кому-либо проявлять щедрость, чтобы заслужить доброе имя и славу.

Кас, кес – кусок глины. (Ҳозирги ўзбек тилидаги **кесак** сўзининг асли шу бўлса керак).

Кис – жена. *Аниңг киси.* – Его жена.

Бўш. Бўш йилқи – животное, отпущенное на волю.

Ул қул бўш қилди. – Он освободил раба.

Сўқ. Сўқ йалнғус эр – сўққабош киши.

Қурч. Қурч темур. – Кованое железо, с ним сравнивают сильных мужчин. *Қурч эран.* – Сильные мужчины.

Сичған йили – год Мыши.
Уд йили – год Быка.
Барс йили – год Барса.
Тавишған йили – год Зайца.
Нек йили – год Крокодила.
Йилан йили – год Змеи.
Йунд йили – год Лошади.
Қўй йили – год Овцы.
Бичин йили – год Обезьяны.
Тақағу йили – год Курицы.
Ит йили – год Собаки.
Тўнғуз йили – год Свиньи.

Турқ – длина какого-либо тела. *Йир эни турқи.* – Длина и ширина земельного участка.

Сиғит – плач. (Ўзб. **“йиғи-сиғи”**даги **“сиғи”**нинг асли).

Тавар – имущество, живое и неживое.

Сиғир – рогатый скот.

Сув сиғири – бегемот.

Қўтуз – дикий буйвол.

Кўкуз – грудь.

Тўқуш – битва.

Қажиш – вражда, гонения среди людей.

Пословица:

Қажиш бўлса қийа кўрмас. – Когда (между людьми) вражда, они не поворачиваются друг к другу.

Бўшуғ – позволение возвратиться, которое султан дает отправленному к нему посланнику, а также получаемая им награда.

Қасиғ – полость рта (с правой и левой сторон).

Бидиқ (бизиқ) – усы. (Ўзбек тилида **мийиқ** шакли сақланиб қолган).

Билик (пелиг) – медицинский зонд.

Битик – книга.

Битик – письмо.

Битиг – амулет.

Тигин, тикин – слуга. *Алп тигин* (Сильный слуга). Ўзб. Баҳодир қул.

Билга, билка – мудрый (Билга хоқон).

Билга, билка – ученый.

Билга, билка – умный.

Балдиз – младшая сестра жены. Сестру мужа называют не **балдиз**, а **сингил**.



Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни як қалам.
Алишер НАВОИЙ

СЎЗЛАРИМ

Қўлдаш – товарищ, это слово используется среди прислуги знатных людей.

Ниждағ – точило.

Бузлуқ – ледник.

Тузлуқ – солонка.

Сағлиқ – дойная овца. (Ўзб. **“совлиқ”** сўзининг асли шу экан. **Сағлиқ** – соғишдан келиб чиққан).

Базрам – радость и веселье в народе.

Сўламуқ – левша.

Кўзунди – быт видным. *Кўзунди нанг.* Что-либо было видно, в наречии Арғу, здесь есть определенная аналогия (с предыдущим словом): это образовано от слова **кўз** (глаз). Они вносят различие между формой прошедшего времени и повелительным наклонением, говоря: **кўр** (смотри), с. р. В то время как прошедшее время содержит з. (Форма настояще-будущего времени и от глагольное имя): **кўзунур, кўзунмак.**

Қурдашди – занимать место рядом с кем-либо. *Ул бек бирла қурдашди.* – Он сел рядом с правителем согласно своему рангу (и.т.п).

Тўлғашди – сматывать, скручивать. (Жанглардаги **тўлғама** усули шундан олинган бўлса керак).

Терсинди – сердиться; нарывать снова после заживления (о ране). *Бек ангар терсинди.* – Правитель рассердился на него. *Баш терсинди.* – Зажившая рана или ссадина снова стала нарывать.

Тат – перс, у большинства тюрок.

Пословица:

Татсиз турк бўлмас,

Бошсиз бўрк бўлмас.

Не может быт перса, не связанного с тюрком, как не может быт головного убора без головы, на которую его надевают.

Қақ – пруд. (Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида Қоқча деган қишлоқ бор. Маъноси шу сўздан келиб чиққан бўлса керак).

Йалавач – посланник. (Ўзб. **“Маҳмуд Ялавоч”**).

Куб – большой кувшин, бочка. (**“Кубок”**, инглизча **“cup”**, ўзбекча **“куви”** сўзлари ҳам балки шундан келиб чиққандир?)

Киб (ўзбекча нашрда **кип**) – форма (для изготовления) чего-либо. (Ўзбекча *“кифтини келтирмоқ”* иборасидаги **кифт** асли **кип** бўлиши мумкин. Чунки, араб тилидан ўзлашган **кифт** сўзи **елка**ни англатади. “Кифтини келтирмоқ”ни “елкасини келтирмоқ” деб тушуниш мантиққа тўғри келмайди. Иборани шартли равишда “кипини келтирмоқ” деб олсак, уни “қолипига тушди”, “айни ўрнида” каби маъноларда талқин этиш мумкин бўлади).

Тўш – ровня. (Ўзбекча **тенг-тўш** сўзидаги **тўш** шундан экан-да).

Сав – пословица.

Савда бундоғ келир. – Так говорится в пословице.

Сав – история, рассказ; повествование; послание; речь.

Йек – дьявол.

Пословица:

Билмиш йек билмазук кишидан ийик. – Дьявол, которого знаешь, лучше, чем человек, которого не знаешь.

Йай – весна. (**Яйлов, яйлоқ** шундан бўлиши мумкин).

Пословица:

Куз келики йайдан белгулук. – О наступлении осени известно (еще) весной.

Сувуқ – слово, обозначающее любой вид разбавленной жидкости, наподобие кислого молока или разведенного сиропа. ***Сувуқ йуғурт*** – разжиженное кислое молоко.

Кувук, кувук муш – кот. (Эркак мушук алоҳида ном билан аталган экан).

Тадун – годовалый телёнок.

Муйан – воздаяние, вознаграждение. Отсюда привал для питья в дороге называют **муйанлиқ**.



Кўк – корень, происхождение. *Кўкунг ким?* – Какого ты родоплемени? (в наречии огузов и кипчаков).

“Кўк тангри”даги **кўк** ҳам шунданмикан ёки **кўк** сўзининг **осмон** маъносидан олинганмикан?

Суқақ – белая антилопа.

Чекик – диакритические точки в письме.

Йангшатти – испытывать (головную) боль. *Ул аниг башин йангшатти.* – Он много говорил, вызвав у него гул (в ушах) и головную боль.

Йаш – зелень травы. *Йаш ўт.* – свежее сено.

Йурч – младший брат жены. Брата мужчины и брата женщины называют по-разному. Брата мужчины называют **ини**, если он младше, и **ичи**, если он старше. Сестру мужчины называют **сингил**, если она младше, и **ака**, если она старше. Младшую сестру женщины называют **балдиз**, а старшую **ака**.

Йигит – молодой, может относиться ко всему.

Йемиш – плод, обобщающее название. В основном оно употребляется для обозначения плодов, растущих на деревьях.

Йағмур – дождь. Другой вариант этого слова **йамғур**.

Эрантуз – Юпитер.

Қорақуш – Весов. (Ўзб. **Мезон, Тарози**).

Улкар – Плеяды.

Йетикан – Большая Медведица.

Темурқозиқ – Полярная звезда.

Бақирсўқим – Марс.

Йердаш – земляк.

Йўлсуз – заблудившийся. (Ўзб. **“йўлсиз”**).

Муйанчилиқ – посредничество, примирение двоих.

Кулика – густая тень.

Кушика – легкая тень

Сандувач – соловей.

Жиқди – впитывать. (Ўзбекча “жиққа ҳўл” бирикмасидаги **жиққа** шундан бўлиши мумкин).

Бутуқ – верблюжонок-самочка. (Ҳозирги **бўталоқ**нинг дастлабки шакли бўлса керак).

Дада – отец, в огузском.

Қора қуш – орёл.

Қора қуш – Юпитер.

Қора ўрун – могила.

Қора йағ – нефть.

Қорабош – слово, которым называют рабов, и мужчин, и женщин. Эта значит “черная голова”.

Бўка – большая змея. (Бобурнома”да – **“ботир”, “полвон”** маъносида).

Балу-балу – частица, которую произносит мать, усыпляя ребенка в колыбели. (Эшқобил Шукур “Бобо сўз изидан” китобида унинг рус тилига **“баю-баю”** шаклида ўзлашганини айтади).

Танг – удивительный.

Танг – утро.

Менг – родинка на лице.

Менгиз – цвет (лица) человека. (Ўзбекча **қорамағиз** – қорачадан келган инсонга нисбатан ишлатилади).

Мунгуз – рога. (Ўзб. **“мугуз”**).

Йабанг, йабанг йир – трясина.

Йелинг – место, где часто дуют ветры, называют **йелинг**.

Йукунч – молитва, в наречии кипчак.

Қаринча – муравей, в огузском.



Элмурод НИШОНОВ,
тадқиқотчи

Мингар – источник воды, в огузском. (Ҳозирги турк тилида **булоқ, чашма pınar** “пынор” (**ы** билан, п**и**нар эмас) дейилади).

Қангли – повозка для перевозки грузы.

Йангқу – эхо.

Қангдаш, қангдаш қадаш – дети от разных жен.

Дангал – узел, сочленение.

Йалнгуқ – имя, которым называют Адама, да благословит его Аллах!

Пословица:

Йалнгуқ ўғли йўқазур, эзгу ати қалир. – Сын Адама умирает, но добрая (память о нем и) имя его остаются (если он был хорошим).

Тангрикан – мудрый, благочестивый человек.

Йангалдуруқ – кусочек войлока, который пришивают к краю войлочной шапки для защиты головы от дождя и осадков.

Йанан – слон. Огузы не знают этого слова.

Қилдуруқ – ости колосьев пшеницы (или др.).

Тўрткил, **тўрткил ав** – четырехугольный дом или другой предмет четырехугольной формы.

Ўтунч – заем.

Урунч – взятка, подкуп.

Умунч – надежда.

Инанч – надежный.

АЖДОД ВА АВЛОДЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН КИТОБ

“Туркий сўзлар девони”да халқларимизнинг бағрикенглиги, тинчликпарварлиги, дўстлик, биродарлик, садоқат туйғуларини бениҳоя қадрлаши, меҳмондўстлик хусусиятлари акс этган бир қанча шеър, қўшиқ ва мақоллар келтирилган.

Қўлдош била ярашғил,
Қаршип адин ўдурма, –

яъни, “Қўлдошинг – дўстингни ҳурматла, қадрига ет, у билан яхши муомала қил, ўз қардошинг қолиб, бегоналар билан бўлиб кетмагил”, дейилади ана шундай шеърларнинг бирида.

Яна бир сав (ҳикматнома)да эса:

Кулса киши юзунга,
Кўрклуг юзин кўрунгил,
Йавлақ кўдаз тилингни,
Эзгу савиғ тилангил, –

дейилади. Яъни, “биров сенга кулиб қараса, сен ҳам унга очиқ чеҳра билан боқ. Ширин сўзли бўл, ёмон гаплардан тилингни тий”.


Бугун 300 миллиондан зиёд нуфус билан дунёнинг энг йирик халқларидан бири сифатида эътироф этилаётган туркийларнинг бир ташкилот байроғи остида бирлашаётгани, ота-боболаримизнинг ўлмас ўгитлари асосида туркий давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, маданий-маърифий ҳамкорлик алоқаларининг тобора ривожланиб, халқларимизнинг қардошлик, дўст-биродарлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани барчамизнинг кўнглимизга ғурур-ифтихор, шукроналик туйғуларини бағишлайди.

Бугунги таҳликали замонда, турли сиёсий кучлар, блоклар, мамлакатлар ўртасида шиддатли рақобат кечаётган бир шароитда **туркий бирлик** тушунчасининг аҳамияти нақадар юксак эканини юрак-юрагимиздан ҳис этамиз.

Илдизи бир, ўтмиши муштарак, қўлдош ва қардош, тақдирдош халқларимизнинг умумий маданий ва маърифий мулки ҳисобланмиш “Девону луғотит турк” асарининг заҳматкаш олимларимиз – Зифа-Алуа Авезова ҳамда у кишининг умр йўлдоши, нидерландиялик Роберт Эрмерс томонидан нашрга тайёрланиб, Туркий маданият ва мерос фонди ҳомийлигида чоп этилгани туркий дунё маънавий ҳаётида чинакам улкан ҳодисадир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу хайрли ва улуғ ишга бош қўшган барча фидойи инсонларга китобхонлар номидан чексиз ташаккур ва миннатдорлик билдирамиз.

ТАЛҚИН



ОЛИМНИНГ ИЛМИ ВА АМАЛИ

Ўзбек адабиётида, хусусан, шеърий тафаккурнинг янгиланишида истеъдодли шоир Рауф Парфининг алоҳида ўрни бор. Шоир бир неча авлод тадқиқотчилари учун манба бўла оладиган адабий мерос қолдиргани сир эмас. Бу йўлда тадқиқотчилар сафи секинаста ортиб бориши табиий. Уларнинг олд сафида Олим Олтинбек турибди. Яқинда “Муҳаррир” нашриётида унинг “Рауф Парфи шахсияти ва шеърияти поэтикаси” номли янги китоби нашрдан чиқди.

Бу жиддий монография муаллифнинг бир неча ўн йиллик умрининг мазмуни, ўйловлари, изланишлари натижасидир. Олим Олтинбек Рауф Парфи ҳаёти ва ижодини, шоирнинг дафтарларда қолиб кетган машқлари, шеърлари нусхалари, архивини яхши билади. Рауф Парфи ҳақида ёзилган мақолалар, турли хотиралар, суҳбатлар – буларнинг ўзи бир дунё. Рауф Парфининг матбуотда босилган адабий мақолалари, босилмаган ҳикоялари ҳам Олимнинг изланишлари туфайли мухлислар қўлига етиб бормоқда. Бундан кейин Рауф Парфи адабий ижодиёти билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар ким ушбу китобга мурожаат этиши, уни ўқиши шарт.

Китоб муаллифни Рауф Парфи адабий-ижодий меросининг чин билимдони сифатида илм аҳлига яна бир бор танитади. Китоб унинг қалб призмасидан ўтказилиб, меҳр-муҳаббат ва ихлос билан ёзилган, шунингдек, шоир поэтик дунёсини туб-тубидан англаб муҳокама қилингани ва шоир адабий ижодининг кўп қирралари ёритиб берилгани билан қадрли. Олим Олтинбекнинг илми ва амали исмига мос. Бирор адабий мавзу, масала устида ишлаш жараёни ҳам ўзига хос. Кайфиятини шу томонга буриш, бир неча кун режалаштириб юриш ва яна ижод лабораториясининг биз билмайдиган сирли нуқталари бор.

Ҳай, бир аччиқ гап. Бугунги адабий-илмий ҳаётда баъзи тоифаларнинг бир юмалаб улкан “аллома”га дўниши яшин тезлигида тарқалган касалликдир. Бировлардан кўчириб, услубан ўзгартириб, китоблар ясаб ва айнан кимдан кўчирган бўлса, шу муаллифнинг ўзига гажакдор имзолар билан тақдим этаётган кимсалар кўзимиз ўнгида каттармоқда. Уят ҳам, андиша ҳам, этика ҳам, энг қизиғи, арзигулик билим ҳам йўқ, аммо иддаолар унвон ва даражага мос. Ҳолбуки, бирор фармойиш билан тасдиқлаб қўйилмаган бўлса-да, илмда, тадқиқотда, иқтибос олишда ҳам маданият, одоб-ахлоқ қонуниятлари бор. Шундай бир муҳитда, ёшидан қатъи назар, жуда кўп тадқиқотчи кимсалар Олим Олтинбек асарларига, мана шу тиниқ кўзгуга қараб этакларини ёпиб олишса, нур устига нур бўлар эди, деб ўйлаб юраман.

Олим – кенгфеъл инсон. Қўлида бор манбани кимдир сўраса беради ва бу манбани олганлар улардан китоб чиқариб, айнан ўзига совға қилганини биламан. У бир куни гап очиб қолди. Рауф Парфининг мухлиси, шу йўлда илмий ишга рағбати бор бир киши билан учрашиб қолибди. Уни уйига таклиф қилиб, бир кеча тонготар гурунг қилибди. Ҳали айтганимдек, қўлидаги тайёр манбаларни берибди. Орадан икки-уч ой ўтиб, ҳалиги кимса, шу манбаларни китоб қилсам, деб Олимга қўнғироқ қилармиш. Қани инсоф, қани виждон, қани адаб? Яна бир гал қўлидаги бир таржимани тайёр китоб ҳолида бировга жўнатади. У эса Олим юборган китобни ўз номидан нашриётга тақдим этади ва гонорар ҳам олади. Булар бир-икки мисол, холос. Олим Олтинбек мақолами, рисола ёки тадқиқот ёзадими – бирор адабиётшуносдан бир жумла олса, албатта, ҳаволада кўрсатади. Кўлами қандай бўлишидан қатъи назар, муаммони ҳеч эринмай, заррама-зарра синчиклаб ўрганади. Рауф Парфи ҳақидаги китобини ёзишда ҳам шоирни билган ва таниганларни излаб топиб, манбаларни аниқлаштириш учун елиб-югурди. Уларга ташаккур айтишни эсидан чиқаргани йўқ. Буларнинг барчаси, назаримда, бошқалар учун ибрат, зиёли деган рутбанинг кўзгуси, албатта.

Олимнинг янги китобида Рауф Парфининг ижодкор шахс сифатида шаклланиш жараёни, ижодининг эволюцион босқичлари, мавзулари кўлами, миллий ўзига хослиги, бошқа миллатларга ҳамдардлиги, жаҳон адабиётидан ўрганиш омиллари, шеърий меросида учрайдиган барча жанрлар, шоир шеъриятидаги янги, индивидуал шакллар, лирик меросига хос энг муҳим поэтик санъатлари каби қатор масалалар илмий-назарий жиҳатдан асосланиб, нуктадонлик билан очиб берилади.

Жадидларнинг маънавият булоғидан сув ичган Рауф Парфидек ҳаққоният рамзи бўлган адиблар китобларидан сабоқ олган Олим Олтинбек каби зиёлиларни миллатнинг маънавий хазинаси, десак, адашмаган бўламиз.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор



Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан.
Нажмиддин КУБРО

НАЖОТ – ТАЪЛИМДА

ДАРСЛИК ШУНДАЙ БЎЛСА!



“Болаларга нимани ўргатиш керак?” деган саволдан аввал “Бизга қандай авлод керак?” деган саволни қўйган жадидлар мактабдаги ўзгаришларга катта умид боғлаган эдилар. Бугун эса... Интернет, сунъий интеллект, ижтимоий тармоқлар ва турли рақамли манбалар орасида улғаяётган боланинг қўлида дарслик билан бирга смартфон, видео, электрон китоблар, турли дастурлар ва интерактив имкониятлар бор. У исталган маълумотни бир неча сонияда топа олади. Демак, кечаги мактабнинг энг қиммат бойлиги бўлган маълумот бугун осон ва тез топиладиган ресурсга айланди. Бу ўзгариш таълимнинг вазифасига янгича қарашни талаб қилади.

Янги авлод дарсликларида ўқувчини савол беришга, мустақил фикрлашга, кузатишга, изланиш ва билимни ҳаётий вазиятлар билан боғлашга ундайдиган ёндашувлар тобора кенгроқ акс этаётганини кўрамиз. Энди масала бу тамойилларни қай даражада чуқурлаштириш ва бошланғич синф дарсликларини яратишнинг изчил мезонига айлантиришдадир. Албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда дарсликлар мазмуни ва сифатига катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий ўқув адабиётларини яратиш, уларни илғор ёндашувлар асосида такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён доимий изланиш ва янгиланишни талаб қилади. Чунки таълим бир жойда тўхтаб қолмайди. Шу билан бирга, дарсликни янгилашни фақат унга янги маълумотлар, янги дизайн ёки рақамли технологияларни қўшиш билан ўлчаш ҳам етарли эмас. Чунки бошланғич синф дарслигининг ҳақиқий қиймати фақат унда нима борлиги билан эмас, ўша мазмун болада қандай билиш жараёнини уйғотаётгани билан ҳам белгиланади.

Боланинг билимга муносабати унинг атрофидаги дунёни қандай кашф этаётгани билан чамбарчас боғлиқ. У нимагадир қизиқади, савол беради, кузатади, синаб кўради – ўрганиш ҳам айнан шу жараёндан бошланади. Бошланғич мактаб ёшидаги боланинг билиш жараёнида тасаввур, образ ва ҳиссий тажриба алоҳида ўрин тутади. Бир хил маълумот катта одам ва бола тасаввурида мутлақо бошқача манзара ҳосил қилади. Бола дунёни катталардек қуруқ тушунчалар орқали эмас, аввало, образлар орқали қабул қилади. Кичкина бола учун дунё ҳали формулаларга сиғмайди. Унинг оламида ҳар бир нарсанинг ранги, овози, шакли ва ҳикояси бор. Шунинг учун ҳар бир бола табиатан кичик шоир, кичик рассом, кичик ҳикоячидир.

Образли тафаккур ҳақида гап кетганда, боланинг нарсани фақат белгиси ва ташқи шакли орқали эмас, унинг замиридаги маъно ва образ орқали англаш қобилиятини ҳам назарда тутиш лозим. Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асарида шундай ҳикоят бор: подшо ўз ўғлининг билимини синаш учун қўлига бир узукни яшириб, ундан қўлида нима борлигини сўрайди. Шаҳзода узукнинг белгиларини, шаклини тўғри топади, отаси бундан хурсанд бўлади. Аммо “Нима эканини айтмадинг?” деган саволга у “тегирмон тоши” деб жавоб беради. Яъни, бола белгиларни тўғри идрок этган, аммо уларни яхлит маънога айлантиришда ўз тасаввурига суянган. Бу оддий ҳикоя эмас. У бола тафаккурининг муҳим бир хусусиятини кўрсатади: бола дунёни тайёр маънолар йиғиндиси сифатида эмас, ўз тасаввури ва ички тажрибаси орқали англайди.

Бугун боланинг қўлида белги ҳам, маълумот ҳам, билим ҳам бор. У керакли маълумотни осон топади, уни ажратади, таққослайди ва мантиқий хулоса чиқаради. Аммо инсон тафаккури маълумотни топиш ва белгиларни таниш билан кифояланмайди. Билим инсон онгида маънога айлангандагина, унинг ҳақиқий қиймати намоён бўлади. Бу ерда ақл ва қалбнинг ўзаро муносабати муҳим. Ақл билиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва мантиқий хулоса чиқариш жараёнини тартибга солади. Аммо инсон дунёни фақат мантиқ орқали англамайди. Тасаввур нарсанинг бошқача қиёфасини кўрсатади, ҳис унинг инсон учун аҳамиятини очади, маъно эса билимни шахсий тажрибага айлантиради. Шу маънода, ақл билимни англайди ва тартибга солади, тасаввур ва ҳис эса уни инсоннинг ички дунёси билан боғлайди. Қалб ана шу билим, тасаввур ва ҳис бирлашиб, инсон учун маъно касб этган жойда акс этади.

Балки энди таълимда боланинг ақлини ривожлантириш билан бир қаторда, унинг қалбига ҳам йўл топиш вақти келгандир. Зеро, бошланғич таълимда болага фақат тўғри жавобни топиш эмас, ўша жавобнинг инсон ҳаётидаги маъносини тушуниш, бошқа нуқтаи назарни тасаввур қилиш, ҳайратланиш, ҳис қилиш ва мустақил савол қўя олиш қобилияти ҳам керак. Ҳақиқий билим, эҳтимол, маълумот инсоннинг хотирасида эмас, унинг қалби ва тасаввурида маънога айланган пайтда бошланар? Бу қобилиятни боланинг оддий буюмларга муносабатида ҳам кўриш мумкин. Бир бўлак картонни олайлик. Катта одам учун у оддий қути. Бола эса ундан машина ясайди. У машинани “ҳайдайди”, унга ном қўяди, қаерга бораётганини кўз олдига келтиради. Биз учун у шунчаки картон, бола учун эса бутун бир дунё. Демак, бола нарсанинг фақат ташқи белгисини кўриб қолмайди, унга ўз тасаввури орқали янги маъно беради. Айнан шу хусусият бошланғич синф дарслиги учун ҳам муҳим. Агар дарслик боланинг ана шу табиий қобилиятини ишга солмаса, у боланинг энг кучли билиш ресурсларидан биридан тўлиқ фойдаланмаётган бўлади. Шу нуқтада дарсликка бошқача қараш эҳтиёжи пайдо бўлади: у фақат тайёр билимни етказиб берувчи восита эмас, бошланғич синф ўқувчисининг тасаввурини ҳаракатга келтирадиган майдон вазифасини ўтайди.

Дарслик болага тайёр дунёни кўрсатибгина қолмасин, унинг тасаввурида янги дунё пайдо бўлишига туртки берсин. Бола китобни ўқиганда фақат маълумот олмасин, кўз олдида манзара пайдо бўлсин, бирор қаҳрамон билан дўстлашсин, воқеани ўзича давом эттирсин, савол берсин, расм чизсин, кузатсин, ҳатто китобда айтилмаган жавобни ўзи излаб кўрсин. Бу ерда гап янги дарсликларда бундай топшириқлар умуман йўқлиги ҳақида эмас. Аксинча, бугунги дарсликларда очиқ саволлар, мустақил изланиш, ҳаётий вазиятлар ва ижодий вазифаларга тобора каттароқ ўрин берилмоқда. Масала – ана шу ёндашувни алоҳида-алоҳида топшириқлар даражасидан чиқариб, бошланғич синф дарслигининг бутун ички мантиғига сингдиришда.

Инсониятнинг буюк маънавий меросига қарасак, образ ва рамзнинг ўрни қанчалик катта эканини кўрамиз. Муқаддас китоблар, достонлар, афсоналар, эртаклар асрлар давомида инсон қалбига қуруқ қоида сифатида эмас, ҳикоя, тимсол ва образлар орқали кириб келган. Чунки инсон баъзан биргина образни мингта таърифдан кўра чуқурроқ ҳис қилади. Шу маънода, бошланғич синф боласига дарслик ёзиш – унга фақат билим бериш билан чекланмайди. Бу унинг тасаввурида билим яшайдиган дунёни шакллантиришдир.

Турли мамлакатларнинг таълим тажрибасига мурожаат қилсак, дарслик ва ўқув материалларига ёндашувлар ҳам хилма-хил эканига дуч келамиз. Қайсидир давлатда мустақил фикрлашга, қайсидир давлатда тушуниш ва масала ечишга, яна қайси бирида рақамли ресурслардан самарали фойдаланишга катта эътибор берилади. Хориж тажрибаси биз учун тайёр қолип эмас, балки ўз таълимимиз, ўз болаларимиз ва ўз миллий тажрибамизга мос йўлни излашда фойдали манба бўла олади. Шу йўл бошланғич синф дарслигини ҳаётга янада яқинлаштиради. Ўқувчи ўрганаётган тушунчасининг атрофидаги воқелик билан боғлиқлигини кўрса, билим унинг учун янада мазмунли тус олади. Табиат, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, атроф-муҳит, касблар, кундалик кузатишлар ёки оиладаги оддий воқеалар дарсдаги мавзуни болага янада тушунарли ва таъсирчан қилади. Бошланғич синфда математикада оилавий харидлар, мева ва ўйинчоқлар билан боғлиқ масалалар, ўқиш ва она тили дарсларида боланинг кундалик ҳаётига яқин матнлар, табиий фанларда эса ўзи кўриб турган ўсимлик, ҳайвон, сув, ҳаво ва об-ҳаво билан боғлиқ кузатишлар китобдаги билимни ҳаётдаги воқелик билан туташтиришга хизмат қилади. Бундай ёндашувда бола ўрганаётган билимини фақат дарс учун эмас, атрофидаги оламни идрок этиш воситаси сифатида қабул қила бошлайди.

Дарсликнинг яна бир вазифаси – боланинг дунёдаги ўз ўрнини англашига йўл очиш. Глобал ахборот маконида улғаяётган авлод учун бошқа халқлар тарихи, маданияти ва тажрибасини билиш қанчалик муҳим бўлса, ўз юртининг тарихи, тили, табиати ва маданий хотирасини чуқур англаш ҳам шунчалик зарур. Зеро, замонавий таълимнинг мақсади – болани дунё билан эркин мулоқот қиладиган, янги тажрибалардан баҳраманд бўлган ҳолда ўзлиги ва қадриятларини асрайдиган инсон қилиб тарбиялашдир.

Бугун QR-кодлар ва электрон ресурслар ҳам дарсликнинг бир қисмига айланиб бормоқда. Улар болага китобдаги мавзуни қўшимча манбалар орқали чуқурроқ ўрганишга йўл очади. Аммо рақамли ресурснинг ўзи янгилик эмас. Муҳими, ундан қандай фойдаланишда. Рақамли ресурс қоғоздаги матнни такрорламасин, уни бойитсин. Бошланғич синф дарслигида QR-код орқали бола қисқа тажриба, овозли матн, анимация, интерактив харита, расмли топшириқ ёки кузатув вазифаси билан танишади. Масалан, табиий фанлар дарсида ўсимликнинг ўсиш жараёнини кўрсатувчи қисқа видео, она тили ёки ўқиш дарсида матннинг ифодали ўқилиши, математикада эса шакллар ёки ўлчовларга оид интерактив топшириқ тақдим этилади.

Агар QR-код китобдаги матннинг электрон нусхасига эмас, тажриба, овоз, интерактив харита, 3D объект ёки бошқа қўшимча имкониятга олиб борса, китобнинг имконияти кенгаяди.

Ҳар бир ўқитувчининг йиллар давомида тўплаган ўз усули бор. Кимдир математикадан ажойиб масала ўйлаб топган, кимдир тарихни қизиқарли тушунтириш йўлини билади, яна кимдир мураккаб мавзуни оддий тажриба орқали тушунтиради. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларида боланинг қизиқиши ва тафаккурини ҳаракатга келтирадиган кўплаб амалий усуллар шаклланган. Бу тажрибаларни умумлаштириб, ўқув материалларини такомиллаштириш жараёнига олиб кириш дарслик мазмунини ҳаёт билан янада мустаҳкам боғлайди.

Бугун бир ўқитувчининг яхши ғояси эртага минглаб ўқувчиларга етиб боради. Шу маънода, дарслик яратиш жараёни фақат муаллифлар ва экспертлар доирасида қолмай, бошланғич синфларда ишлаётган ўқитувчилар тажрибаси билан ҳам мунтазам бойиб бориши аҳамиятли. Яхши топшириқ аввал синфда синаб кўрилади, ўқувчининг реакцияси кузатилади, натижаси таҳлил қилинади ва кейин такомиллаштирилади. Шунда дарслик тайёр бўлиб, ҳаётдан узилиб қолмайди, аксинча, ҳаётдаги ўзгаришлар ва педагогик тажриба билан мунтазам янгиланиб боради. Энг муҳими, бошланғич синф дарслигининг қиймати ундаги маълумот миқдори билан эмас, болада уйғотган фикр, савол ва янги тасаввур билан ҳам ўлчанади.

Бола дунёни сўз ва тушунчалардан ташқари, уни ўраб турган нарсаларни кузатиш, ҳис қилиш ва улар билан муносабатга киришиш орқали ҳам англайди. Бир томчи сувда ёмғирни, ойнада бошқа бир оламни, девордаги сояда эса ҳаракатланаётган қахрамонни кўради. Катталар учун бир-биридан узоқ бўлган нарсалар боланинг тасаввурида осонгина бир дунёга туташади. Матн, расм, мисол ва воқеа унинг хаёлида бир-бири билан боғланиб, янги маъно касб этади. Шу маънода, ҳақиқий янги авлод дарслиги бола дунёни тайёр ҳолда қабул қиладиган эмас, уни саволлар, тасаввур ва изланиш орқали кашф этадиган муҳитга айланиши билан қадрли. Бугунги дарсликларда мустақил фикрлаш, ҳаётий мисоллар, ижодий топшириқлар, миллий мазмун ва рақамли имкониятларга йўл очилгани – бу жараённинг бошланганини кўрсатади. Эндиги вазифа шу ёндашувларни янада чуқурлаштириш ва уларни дарслик яратишнинг изчил тамойилига айлантиришдан иборат. Шунда дарслик болага нафақат дунёни кўрсатади, балки дунёни бошқача кўришни ҳам ўргатади.

Бола китобни ёпганда хотирасида маълумотлар қолиши яхши, аммо шу маълумотлар унда қизиқиш, ўз фикрини ва янада билиш истагини уйғотса, бошланғич синф дарслиги ўз вазифасини бекамкўст бажарган бўлади. Зеро, таълимнинг мақсади барча болага бир хил жавобни ёдлатиш эмас, уларда ўз фикрини шакллантириш ва туғилган саволларга мустақил жавоб излаш қобилиятини ривожлантиришдир.

Бизга маълумотни ёдлайдиган эмас, уни тушунадиган; тайёр жавобни қабул қиладиган эмас, савол берадиган; дунёни кўрадиган эмас, уни кашф этадиган; ақли билан фикрлайдиган ва қалби билан ҳис қиладиган авлод керак.

Яхши дарслик ўқишни китобнинг сўнгги саҳифасида тугатмайди – аксинча, ўқувчининг хаёлида яна давом этади. Балки, бошланғич синф учун келажак дарслиги тайёр дунёни кўрсатишдан кўра, боланинг ўзи кашф этадиган дунёга йўл кўрсатадиган китобдир.



Ҳабиб АБДИЕВ,
Мактабгача таълим малака ошириш институти проректори

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ТАРИХИЙ КУМУШ МЕДАЛЬ

Афғонистонлик 23 ёшли велоспортчи Фариба Ҳошимий Осиё ўйинларининг аёллар ўртасидаги шоссе пойгасида кумуш медални қўлга киритди.



ОАВ хабарларига кўра, спортчи ушбу натижага эришиш ва мунтазам машқ қила олиш мақсадида йиллар давомида эркаклар кийимида юришга мажбур бўлган.

ЭРОН ТАСЛИМ БЎЛМАЙДИ

Эрон президенти Масъуд Пезешкиён БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида Ислом Республикаси АҚШ босимига асло таслим бўлмаслигини маълум қилди.

“Al Arabiya” хабарига кўра, давлат раҳбари Теҳрон томонидан Ҳормуз бўғозида жорий этилган чекловларни ҳам тўлиқ ёқлаб чиққан.



“СУПЕР ИНТЕЛЛЕКТ”

АҚШ президенти Дональд Трамп БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида бундан буён мамлакатда сунъий интеллект “супер интеллект” деб аталишини маълум қилди.




Шунингдек, у дунёнинг бошқа давлатларини ҳам мазкур янги таърифга эргашишга чақирди.

РУС ТИЛИНИ СИЁСИЙЛАШТИРМАСЛИК

Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев рус тили масаласини сиёсийлаштирмасликка чақирди.


Бу ҳақда у Оқўрдада Рус тили бўйича халқаро ташкилот бош котиби Наталья Бочарова билан бўлиб ўтган учрашув чоғида маълум қилди.



Давлат раҳбарининг таъкидлашича, мазкур ташкилотнинг гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган замонавий, обрўли ва самарали тузилма сифатида шаклланиши принципиал аҳамият касб этади.

ДАВЛАТ ПОРТАЛИГА ҲУЖУМ

Австралия ҳукумати пайшанба куни “OpenAI” агенти жорий йилнинг июнь ойида соғлиқни сақлаш бўйича давлат маълумотлар порталига бузиб кириб, махфий файллардан рухсатсиз фойдаланиш имкониятини қўлга киритганини маълум қилди.



Қайд этилишича, мазкур ҳолат сунъий интеллект томонидан давлат веб-сайтига уюштирилган илк киберҳужум бўлиши мумкин.

ЭНГ АНИҚ АТОМ СОАТИ



Олимлар дунёдаги энг аниқ атом соатини яратишга муваффақ бўлди – қурилмадаги хатолик эҳтимоли 260 миллиард йилда бор-йўғи бир сонияни ташкил этади.

ҚАДИМИЙ ТИНЧЛИК ШАРТНОМАСИ

Туркиянинг қадимги Ҳаттуса шаҳрида топилган аккад тилидаги миххат лавҳа тарихий Кадеш тинчлик шартномасининг янги қисми экани аниқланди.



Мазкур ҳужжат милоддан аввалги XIII асрда Миср фиръавни Рамзес II ҳамда Хетт подшоҳи Хаттусили III ўртасида тузилган дунёдаги энг қадимий битимлардан бири ҳисобланади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖАДИД ҲАРАКАТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

1898 йилда Хивада биринчи жадид мактаби ташкил қилингач, Янги Урганч, Хонқа, Ҳазорасп, Гурлан, Тошҳовуз, Шовот ҳудудлари қаторида, Орол денгизига яқин ҳудудларда ҳам жадид мактаблари ташкил этилади. Айнан Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, умуман, ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудларида жадид мактаблари ва жадидлар ҳаракатининг шаклланиши ва ривожида Юсуф афанди Аҳмад ўғли, Сейфулғабид Мажидов, Муҳаммадшариф Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода сингари педагогларнинг ўрни катта бўлди.

Хусусан, Юсуф афанди Аҳмад ўғли Хоразмдаги жадид мактабида фаолият олиб борган илғор педагоглардан бири эди. У 1907 йилда Хива хони Феруз-хон томонидан Қозон шаҳридан Ҳусайн афанди билан бирга таклиф қилинган ва Хивадаги жадид мактабида ўқитувчилик қилган. Юсуф афанди ишлаган мактаб тезда ўқувчилар ва ота-оналар эътиборини тортиб, таълим сифати бўйича Хоразмдаги рус-тузем, жадид ва анъанавий мактаблар ўртасидаги рақобатда олдинги даражага чиққан. Юсуф афанди педагогик тажрибасини бошқа ҳудудларда оммалаштириш мақсадида 1909 йили Хўжайли шаҳрига келади. Юсуф афандини Хўжайлига таклиф қилган ҳоким Авазбийхўжа ўз даврининг тараққийпарвар шахсларидан бўлиб, ҳудуд фарзандларининг истиқболини ўйлаб, Қизилкўприк ёнидаги ўз ҳовлисини жадид мактаби учун ажратади. Юсуф афандига ҳам яшаши, ишлаши учун шароит яратиб беради. Ушбу мактаб шу тарзда 7 йил фаолият кўрсатиб, сиёсий босим остида ёпилишга маҳкум бўлади. Юсуф афанди ва ҳамкасблари педагогик фаолиятини бошқа ҳудудда давом эттиради.

Қуйи Амударё бўйларидаги иккинчи жадид мактаби Қўнғирот шаҳрида, 1910 йилда Муҳаммадшариф Сўфизода томонидан ташкил қилинади. Асли наманганлик Сўфизоданинг педагогик фаолияти шу тарзда Қўнғирот билан боғлиқ кечди. “Таржимон” газетаси маълумотига кўра, 1907 йилда Хивада жадид мактабларини кўпайтириш, уларни ўқув жиҳозлари ва адабиётлари билан таъминлаш, таълим сифатини назорат қилиш учун Рамазон Муҳаммад Каримзода мактаблар нозири қилиб тайинланади. Натижада талаб ва таклиф ортгани боис, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой, Манғит, Гурлан, Хонқа шаҳарларида ҳам жадид мактаблари ташкил этилади ва бу фаолиятнинг кенг оммалашишида Рамазон Каримзоданинг хизмати беқиёс бўлади.

Филология фанлари номзоди, доцент Сайёра Самандар Сўфизоданинг Хоразмдаги педагоглик фаолияти бўйича тадқиқот олиб борган. Унинг таҳлилларига кўра, айнан Сўфизоданинг Хоразмга келиб педагоглик фаолиятини бошлашида Рамазон Каримзоданинг ўрни катта бўлган. Каримзода Сўфизодага Орол денгизи ва Амударёга яқин, иқлими водийникига мос Қўнғиротдаги мактабда ишлашни таклиф қилади. Шу тариқа, Сўфизоданинг уч йиллик педагоглик фаолияти Қўнғирот шаҳрида давом этади. У бу ердаги жадид мактабида муаллимлик қилиш билан бирга, маърифатпарварлик руҳида шеърлар ёзиб, Боку ва Оренбургда чиқадиган газета-журналларда нашр эттиради.

Р. Қосбергеновнинг “Қарақалпақ халқының колониал даўирдеги мәдениятының хам турмыссы” номли китобида ёзилишича, “1910–1913 йилларда Қўнғиротда таниқли ўзбек маърифатпарвари Муҳаммадшариф Сўфизода томонидан ташкил қилинган жадид мактабида шогирдларга она тили, география, ҳандаса (геометрия) каби фанлар ўргатилган”.

Усербай Алеуов ва Қалбай Сейтмуратовнинг “Қорақалпоғистонда жадид ҳаракати ва Сейфулғабид Мажидов” номли асарида қуйидагиларни ўқиймиз: “Қорақалпоғистонлик К.Эрманов, Р.Мажидов каби машҳур шоир-ёзувчиларнинг ҳам ушбу янги усул мактабида таълим олгани маълум. Сўфизода Қорақалпоғистонда педагогик фаолият олиб борган даврида қорақалпоқ маърифатпарварлари С.Мажидов ва А.Мусаев билан яқин алоқада бўлиб, улардаги жадидлик ҳаракатининг янада ривожланишига таъсир ўтказди. Натижада Сейфулғабид Мажидов Қўнғиротда 1912 йилда жадид мактабини ташкил қилиб, ўзи шу мактабда ўқитувчилик қилган. У айни пайтда яратган асарларида жадид ғоялари, миллий озодлик ҳақидаги фикрларини тарғиб қилишга эришди”. Яна шу китобдаги маълумотларда айтилишича, “1911 йилда Қўнғиротда Қ.Амиров томонидан кейинчалик обрўли таълим марказига айланган янги усулдаги мактаб ташкил этилиб, бунга Қозон шаҳридан тажрибали педагог Аҳмад Зокир Ботиров ўқитувчиликка чақирилган”.

Сейфулғабид Мажидов фақат жадид шоири, педагоги сифатида эмас, 1921 йили Қўнғирот округи халқ таълими бўлим бошлиғи, 1925 йилдан Хўжайли округи инспектори, сўнгра Тошкент, Тўрткўл, Урганч, Нукус шаҳарларидаги ташкилотларда фаолият юритди. 1937 йилда “халқ душмани” сифатида қамалиб, 1938 йилда қатағон қурбони бўлди.

Ёшларнинг янги таълим даргоҳларига бўлган қизиқиши сабабли, 1912 йили Чимбой шаҳрида ҳам жадид мактаби ташкил қилинади. Бу мактабнинг ташкилотчилари Қози Маулик номи билан танилган шахс ва бошқирд педагоги Аббос Амантаев



билан танишиб, диний билимларини чуқурлаштириш билан биргаликда, ижтимоий-сиёсий қарашларини ҳам кенгайтириб боради. Қози Маулик мадрасани 1912 йилда тугатиб, Қорақалпоғистонга келиб жадидлик ҳаракатини давом эттиради. Чимбойда ташкил қилинган янги мактаб болаларини бепул овқатлантириб, уларга таълим бера бошлайди”.

Қози Маулик Чимбойда китоб дўкони ҳам очиб, унга турли босмахоналарда чоп этилган китобларни келтиради, ўзи ҳам котиблар жамоасини ташкил қилиб, китоблардан нусхалар кўчиртиради. Ушбу шаҳарда ўқитувчилик қилган бошқирд Аббос Амантаев ҳам янги усулдаги мактабда 1912 йилдан эътиборан ўн йил ичида 400 га яқин маҳаллий халқ болаларини саводли қилган эди.

Хонлик тугаганидан кейинги республика даврида яна бир жадид маърифатпарвари Ҳамза Ҳакимзода ҳам Хўжайлига келиб педагоглик фаолиятини олиб борди. Ҳамза 1921 йил ноябридан 1924 йил июль ойларигача Хива шаҳри театрида ва Хўжайли туманидаги мактабда фаолият кўрсатган. Хоразмдаги мактаблар учун ўзи билан Тошкент ва Фарғона водийсида нашр қилинган дарслик ва қўлланмаларни олиб келган. Хоразм таълим соҳаси тарихини Ҳамза Ҳакимзода фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳамза фаолият кўрсатган Хўжайлидаги мактаб-интернат аслида 1920 йилда ташкил қилинганди. Бироқ, кўп ўтмай ушбу таълим маскани фаолиятида турли сабаблар билан узилишлар бўлади. Хивада театрга асос солган ва ўз даврининг довруқли жадидларидан бўлган Ҳамза санъаткорлар билан Қўнғирот ва Мўйноқ ҳудудларида бўлганида, кўнглида ушбу мактабни қайтадан йўлга қўйиш истаги туғилади. Бу ҳудудларда етим болалар қаровсиз юришини кўриб, шоирда ачиниш ҳисси уйғонганди. Қолаверса, республика ва ички ишлар нозирлигининг айрим раҳбарлари билан театр соҳасидаги драмалар бўйича тушунмовчилик юз берганди. Шундай вазиятда Хўжайлида тўхтаб қолган мактабни қайта йўлга қўйиш Ҳамза учун оқилона ечим эди.

Шу алфозда, Ҳамза Ҳакимзода 1923 йилнинг августида Хўжайлига келиб, таълим соҳасидаги фаолиятини бошлайди. Дастлаб тарбиячи, ўқитувчи ва 13 октябрдан мактаб-интернат мудири сифатида ишни давом эттиради. Бу даврга келиб ўлкадаги жадид мактаблари советлаштирилган, бироқ совет мафкураси руҳидаги дарслик ва қўлланмалар етишмагани туфайли мактабларда олдинги давр китобларидан фойдаланиларди. Ҳамзада педагоглик тажрибаси бўлгани учун ўзининг олдин нашр эттирган дарслик, қўлланма ва бадиий асарларидан ҳам дарсда фойдаланарди.

Ҳамза жадид маърифатпарвари ва таълим соҳасида тажрибали устоз бўлгани боис, мактаб учун янги бино барпо этиш ташаббуси билан чиқади. У халқ орасида маърифатпарварлик ғояларини ёйиш учун “Шарқ оқшомлари” номли миллий концерт ва ўйинлар ўтказишни йўлга қўйиб, халқдан берилган хайрияларни мактаб биносига сарфлайди. Шу тариқа Ҳамза Ҳакимзода томонидан янги мактаб биноси барпо этилади. Мактабда кутубхонага катта ўрин ажратилган бўлиб, Ҳамза Чоржўй, Аральскдан келиб турадиган пароходлар орқали бошқа ҳудудлардан китоблар, газета-журналлар олдиришни ҳам йўлга қўяди. 1923 йил кузида Хива шаҳридан 86 номдаги китобларни олиб келтиради. Ҳамзанинг ҳамкасблари сифатида Тўлеген Тўлеев, Пир Қутлимуродов, Шариф Аҳмаджонов каби педагоглар ҳам мактабда фаолият кўрсатганини таъкидлаш жоиз.

Ҳамза ўқувчиларни ўз тажрибасидан келиб чиқиб синфларга тақсимларди. Жумек Ўрумбоевнинг “Ҳамзанинг Хўжайли интернатидаги педагоглик фаолияти” номли китобида шундай маълумотлар келтирилади:

“Ҳамзанинг мактаби тўрт синфдан: юкта синф, яъни, нолинчи синф, яриминча синф – бу биринчи группанинг тайёрлов синфи, биринчи синф ва иккинчи синфлардан иборат эди. Ҳамза раҳбарлик қилган интернатнинг юкта синфида 1923 йилнинг октябрида 33 бола, яриминчи синфда 14, биринчи синфда 23, иккинчи синфда 9 бола бўлиб, интернат бўйича 79 тарбияланувчи бор эди. Мактабда ўқув муддати гарчи тўрт йил бўлса ҳам, асосий синфлар, айтиб ўтилганидек, иккита эди, холос. Қолган иккита синф эса асосий синфларнинг қисмлари бўлиб хизмат қилар эди.

1923 йилда бўлиб ўтган умумреспублика ўқитувчилар қурултойида қабул қилинган низом асосида Хоразм умумтаълим мактаблари биринчи ва иккинчи босқич мактабларига ажратилган эди. Биринчи босқич мактаблар, шу қурултойда қабул қилинган қарорга асосан, тўрт йиллик бошланғич мактаблар бўлиб, бу тоифадаги мактаблар учун дастур ҳам ишлаб чиқилган эди. 1923-1924 ўқув йилида Хўжайли интернати ҳам тўрт синфли биринчи босқич мактабга айлантирилган эди. Бироқ ҳали Ҳамза мудир бўлиб турган пайтларда бу интернатни оддий биринчи босқич мактаблар қаторига қўшиш хато бўлур эди. Чунки Хўжайли интернатида, биринчидан, оддий биринчи босқич мактаблар учун хос бўлмаган бошқа фанлар ўқитиларди. Масалан, биринчи ва иккинчи синфларда она тили, арифметика, ҳатто табиатшунослик ҳам ўқитиларди. Учинчи синфдан бошлаб эса физика, география, умумий тарих ва Хоразм тарихи, тўртинчи синфдан Хоразм географияси ўқитиларди. Юқори синфларда геометрия, математика, Хоразм тарихи фанларини Ҳамзанинг ўзи ўқитарди.

Иккинчидан, Хўжайли интернатида тарбияланувчиларнинг қарийб ярми 14-18 яшар ўсмирлардан иборат эдики, бу ҳол болаларни республиканинг ўрта билим юртларига тезкорлик билан тайёрлаш вазифасини бажаришга ёрдам берган. Масалан, 1923-1924 ўқув йилида Ҳамзанинг қўлида арифметика, геометрия фанларидан таҳсил олган, кейинчалик Қорақалпоғистон педагогика институти математика кафедраси доценти бўлиб ишлаган Умар Булешов шундай ёзади: “Ҳамза интернатда арифметика, геометриядан бизга чуқур билим берган. Биз Хўжайли интернатида тарбия кўрган олти ўқувчи Хива педагогика техникумига республиканинг бошқа шаҳарларидан келган ўқувчиларга қарағанда анча пешқадам эдик”. Хўжайли интернати ўша даврдаги биринчи босқичли мактаблар дастурларида кўзда тутилганига нисбатан анча чуқурроқ билим берар эди. Шу сабабли, бу мактаб юқорироқ тоифадаги мактаблар қаторига қўшиларди”.


Ҳамзанинг таълим соҳасидаги фаолияти тез орада довруқ қозониб, ўз натижаларини бера бошлагач, Манғит, Қўнғирот, Кўҳна Урганч ҳудудларида ҳам Хўжайлидаги сингари таълим даргоҳлари ташкил этилади ва Ҳамзанинг педагогик тажрибаси татбиқ этила бошланади. Негаки, Ҳамза Ҳакимзоданинг нафақат шоир, драматург, режиссёрлик, балки педагоглик фаолияти ҳам жадидлар ғояларига асосланган эди.

Умуман олганда, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбойдаги жадид мактаблари педагоглари нафақат таълим соҳасининг фидойилари, балки ўзларининг ижтимоий-маърифий фаолияти билан жадидлар ҳаракатида ҳам муҳим нуфузга эга бўлишди.

Таълим соҳасидаги бу жараён кейинчалик Қорақалпоғистонда турли соҳаларда миллий кадрлар шаклланишига сабаб бўлди. Вақт ўтиб, ҳудудда педагог сифатида фаолият кўрсатган Сўфизода ва Ҳамза Ҳакимзода Ўзбекистонда биринчи бўлиб халқ ёзувчиси ва халқ шоири унвонлари билан тақдирландилар. Бу ҳам ҳудудда интеллектуал кадрлар педагоглик қилиш билан бирга, ижодда ҳам ўз даврининг илғор шахслари бўлганини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистондаги таълим ривожида Қўнғирот, Хўжайли, Чимбойдаги жадид мактаблари ўқитувчиларининг ўрни катта бўлган ва бу педагогика ҳамда жадид ҳаракати тарихидан муносиб жой олган мозийнинг ёрқин саҳифаларидир.

Умид БЕКМУҲАММАД,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент



Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам, қолур авлодима уй-у ватаним.

Абдулла АВЛОНИЙ

МЕРОС



ВОСИЛИЙ ВОСИЛИДА

Марҳамат туманида давлат тасарруфидаги туман ахборот-кутубхона марказидан ташқари хусусий кутубхоналар ҳам талай. Улардан бири Махдум Восилий номидаги Маданий мерос марказидир. Марказ мулло Ҳасанжон (Махдум) Восилий домла ҳаёти давомида фойдаланган ашёлар ҳамда икки мингдан ортиқ адабиётлардан ташкил топган.

Мулла Ҳасанжон Восилий 1889 йили Қорабоғиш қишлоғида туғилган. Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Форс ва араб тилида илмий-бадиий асарлар ёзган. Айниқса, табобат илмидаги асарлари машҳур. Восилий ҳазрат ўткир ақли сабабли, эл-юрт ўртасида маслаҳат сўраладиган улуғлардан бўлган.

Махдум Восилийнинг уй-музейидаги кутубхонада уч аср аввал ёзилган қўлёзма ва тошбосма адабиётлар, китоблар ҳам мавжуд. Кўплар қўлидаги китобларни қўрққанидан сувга оқизиб юборган даврларда ҳам, Восилий ҳазрат ҳаётини ўртага қўйиб уларни сақлаб қолган. Асарлар орасида Алишер Навоий “Хамса”сининг 1700 йилда кўчирилган нусхаси ҳам сифатли сақланиб қолган. Яна бу ерда Марғилонийнинг “Фидоий” китоби ҳамда авлиёлар шажараси қўлёзмаси сақланмоқда, 1640 йилда ёзилган ушбу китобда 380 дан ортиқ авлиёлар номлари келтирилган. “Водий тарихи” китоби Ўзбекистонда икки нусхада бўлиб, бири Шарқшунослик университети қўлёзмалар фондида, иккинчиси шу кутубхонада мавжуд. Мулла Ҳасанхон Махдумнинг бир нечта қўлёзма китобларини ўғли Махмуд Ҳасаний нашрдан чиқариб, халқимизга қайтарди. Бундан ташқари, бу ерда тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанийнинг бир қанча китоблари ҳам жамланган.

Бугун юртимиз бўйлаб жаҳоний миқёсдаги музейлар ташкил қилинмоқда. Бу жуда яхши. Лекин бу даргоҳларга бориш, улардан фойдаланиш ва илм олиш учун, аввало, ҳудудлардаги музейлар билан танишиш, тасаввур ҳосил қилиш фойдалидир. Биз ҳам юртдошларимизни Махдум Восилий номидаги Маданий мерос марказида кутиб қоламиз.

Гуллолахон АБДУҒАНИЕВА,
Марҳамат туман ахборот-кутубхона маркази библиографи



САНЪАТ ОЛАМИ

“Умидга суянгайман”

Таниқли актриса Адолат КИМСАНОВА билан суҳбат

– Ассалому алайкум, Адолат опа! Суҳбатдан олдинги гурунгда “матбуот учун эмас” деб, дил очдингиз. Эшита туриб, беихтиёр Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг “Сўлдирганлар, қасддан гуллаб-ўсганман мен… Ўз бошимни ўзим силаб ўсганман мен” деган сатрлари ёдимга тушди. Исмингиз тантанавор эшитилса-да, ортида бир маҳзунлик яширинлигини ҳис қилдим. Суҳбатни исмингиз тарихидан бошласак, нима дейсиз?

– Аввало суҳбатга таклиф қилганингиз учун ташаккур. Муносиб кўриб, дил сўзларимни одамларга етказмоқчи экансиз, бундан бошим осмонга етди, кўнглим тоғдай ўсди. Инсон, айниқса, санъаткор бир оғиз ширин сўзнинг, бир чимдим эътиборнинг гадоси бўлади.

Исмга келадиган бўлсак, бу отам билан боғлиқ. Оиламиз зиёлилар оиласи эди. Отам давлатнинг махсус хизматларида фаолият юритган. Совет даврида ҳокимиятнинг куч ишлатар тизими ичида туриб, юртдошларимизга қайишадиган кадр бўлган экан. Бунинг ортидан бир неча бор огоҳлантириш ва даккилар эшитган. Ўтган асрнинг 30-йилларида “катта террор” амалга оширилган. Бироқ бу билан мустамлакачилар тўхтамаган. 50-йилларда қатағоннинг иккинчи тўлқини кўтарилган. Ана шу тўлқин отамни ҳам оиламиз бағридан юлиб кетади.

Отамнинг асл исми Муҳаммадзиё Ортиқов. Лекин Муҳаммад қисми керак эмас, деб оёқ тираб олган экан юқоридагилар. Шунда у киши Зиёдулла исмини танлабди, қаршилик қилганлар ҳам рози бўлибди. Ҳолбуки, бу исм аввалгидан кўра кенгроқ маънога эга... Отамни неча ўн йиллар давомида эркин таништира олмаганман. Мана, ҳозир ҳам шунинг асорати бор-да, жавоб ярмида тилга оляпман номини.

– Опа, бугун қатағон қурбонлари номи оқланиб, тарих холислик билан ўрганилмоқда. Бемалол гапиришингиз мумкин.

– Тўғри айтасиз. Бу ўзгаришлар учун давлатимиздан миннатдорман. Эркин Воҳидов ёзган-ку: “Мен, ахир, қутлуғ бу сўзни Йигирма йил олмадим тилга, Йигирма йил сақладим дилда”. 1949 йил 9 мартда отам қатағон домига тортилади. Уч кун авval навбатдаги ўғли туғилган ота-онанинг қувончига соя тушади. Онам бечора яхши умид билан акамга Озод деб исм қўяди. Отамдан эса йиллар давомида дом-дарак бўлмайди. Онам қайси эшикка бош уриб борса, олдига солиб ҳайдашади, ўзини ҳам қамаб қўйиш билан қўрқитишади. Дардини ичига ютиб яшаган экан меҳрибоним. Ниҳоят, Сталин ўлимидан кейин дадамдан биринчи хат келади. Юборилган манзил – Шарғун кўмир кони. Советлар давлатида нисбатан илиқлик бошлангач, қатағон қилинганлар номи оқланади, асирликдагилар аста-секин уйига қайта бошлайди. Отам ҳам улар сафида эди. Орадан бир йил ўтиб, мен туғилганман. Азбаройи озодлик шодлигидан, “мана, дунёда адолат бор экан”, деб исмимни Адолат қўйишган.



Ваҳоланки, отамнинг қирчиллама йиллари турма ва меҳнат лагерларида соб бўлганди. Қайтгач ҳам, бир неча йил кўз очиришга қўйишмайди. Охири, Молдовага кетиб, тазйиқлардан бироз қутулади. 1978 йилда Ватанга қайтиб, бир йилдан кейин вафот этади. Мана, советларнинг “адолати”!

– Оила мавзусидан узоқлашмаймиз. Кимдир билади, кимдир йўқ, сиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машраб Кимсановнинг рафиқасисиз. Икки санъаткорнинг оила бўлиб яшаши мураккаб бўлмаганми? Машраб ака вафотидан олдин оғир хасталикка чалиниб, бир неча йил тўшакка михланиб қолганини ҳам эшитганман…

– Мен Машраб акам билан танишиб, гаплашиб, у кишининг изҳорига розилик берганимдаёқ, олдиндаги барча машаққатларни бўйнимга олганман. Кейин, биласизми, севган одамингиз ёнингизда бўлса, қийинчиликлар ҳақида ўйламас экансиз. Миннат қилиш ё арзи ҳол эмас: хоҳ соғ бўлсин, хоҳ хаста бўлсин, эримга қилган хизматларимга минг розиман. Очиғи, кези келса, она ҳам боласини бу қадар парваришламайди. Лекин мен ҳам ишлаб, ҳам рўзғорни эпладим. Нолимайман. Энг қийини қачон бўлди, десангиз, турмуш ўртоғим вафот этганда, деб жавоб бераман. Тириклигининг ўзи мадорим эди-да.

Аввалларi “Ўзбеккино” студиясида суратга олинган фильмлардаги ролимиз учун гонорар олардик. Маош бўлмаган. Театр актёрларида доимий ойлик бўлиб, ишидан ортса кинога ҳам тушарди. Киноактёрлар эса гонорарга қараб турарди. Мустақиллик аввалида студиялар ёпилиб кетди. Оила таъминоти учма-уч бўлиб қолди. Шунда ҳам Машраб ака билан амалладик. Ташлаб кетмадик соҳани.

Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар кино санъатида ҳам яққол сезилди. Молиялаштириш масалалари ижобий ҳал этилди. Лекин синовли йилларда ижод қилганлар доим ҳам эсланмади. На йўқловларда, на сийловларда исмимиз рўйхатларда учрамади. Баъзан, асосийси, мухлислар меҳри, дейишади. Албатта, мухлислар омон бўлсин, шулар борки, биз ижод қиламиз. Лекин ҳамма гап шунда бўлганида, “Оскар” таъсис этилармиди, фахрий унвон ва орденлар берилармиди? Инсонга нима керак? Меҳнатининг самарасини кўриш учун эътироф керак. Эътироф бўлса, санъаткорнинг яна ижод қилгиси келади. Ҳар гал мукофотлар ҳақида фармонлар чиқса, албатта, санъат аҳлига эътибор берилган бўлади. Бу йил ҳатто алоҳида фармон ҳам қабул қилинди. Истардимки, вазирлик, ижодий уюшмалар доирасида актёрлар сараланаётганда, ўз вақтида меҳнат қилган, турли сабаблар билан четга чиқиб қолганлар ҳам унутилмаса...

– Турмуш ўртоғингизнинг отдоши, улуғ шоир Машраб ёзган-ку: “Қўй сабр тошин қараб бардошима”.

– Ҳа. Яна, бу аёл жуда ношукур, иззатталаб экан, деманг. Ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Масалан, кино саноати юртимизда ривожланиб боряпти. Бу бизни ҳам четлаб ўтмади. Яқинда “Аёл формуласи” фильмида ўйнадим. Премьераси энди ўтказилади. Давлатимиз томонидан бизни рози қиладиган даражада ҳақ тўланди. Миллий кинога шукуҳ қайтиб келяпти. Афсуски, бу кунларни кўпчилик кўрмади. Жумладан, Машраб акам ҳам. Яхши кинони ёш боладай кутиб ўтди шу инсон. Сиқилиб қолганини кўриб, театрга ишга ўтишни ҳам айтиб кўрдим. Саҳнада бошидан хизмат қилмадик, энди борсак тўғри келмас, деб андиша қилди. “Кино яхши бўлиб кетади. Мен ишонаман. Ҳали кўп яхши роллар ўйнаймиз”, деб тинчлантирарди мени. Ўзини бошқа ишда тасаввур қилолмасди-да.

– Ўша кечирган қийинчиликларингиз даврида бирор жойга мурожаат қилиб кўрдингизми?

– Йўқ. Дўст-ёрлар ҳам, соҳанинг катталари ҳам туриш-турмушимизни биларди. Бировдан хафа бўладиган замон эмас эди. Тизимда тартиб бўлмаган, деб ўйлайман. Ҳатто, бир гал кинонинг “катта”сини кутиб қабулхонасида икки соат ўтирганман. Таклифларимни айтмоқчи эдим, ёрдам сўрашга бормагандим. Кута-кута кирсам, бугун гаплаша олмайман, делегация келиши керак, деди. Шуни аввалроқ айтса бўлардику. Қаранг, қанақа бефарқ одамлар бор. Бу кичик эпизод, лекин унда бутун картина ҳолидан сўз кетади. Шу боис ҳам, кинематография тизими янгиланди-да. Бу ёғига яна ҳам яхши бўлишига ишонамиз.

– Адолат опа, актриса бўлмаганимда яхшироқ яшармидим, деган хаёл ҳам келганми?

– Негадир ҳеч шунақа хаёлга бормаганман. Чунки мен касбимнинг бор аччиқ-чучугини билиб танлаганман. Роль ўйнашдан бошқа иш қўлимдан келмагани учун эмас. Ҳамма иш қўлимдан келади, ҳунарим бор. Ўша қийин пайтлар бўлганда, болаларни ҳалол ризқ билан боқай, деб ҳаракат қилганман. Лекин сира актёрлигимни унутмаганман.

– Мухлислар Сизни “Чархпалак”, “Занжир” сериаллари, “Нотаниш полвон”, “Мафтуна”, “Осмондаги болалар”, “Умид”, “Дилор, Дилор... Дил ва ор” каби фильмлардаги ролларингиз орқали билишади. Ҳолбуки, узоқ йиллар Ёш томошабинлар театрида фаолият юритгансиз. Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўлиб турар экан-да. Қувонарлиси, талантингиз нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам талабгир бўлиб турибди. Яқинда Малайзиянинг “Pengin Hijrah” (“Ўзгариш сари”) фильмида суратга тушганингиз ҳақида эшитдик.

– Ҳа, санъат шундай олам экан, қайси роль ёки эпизод халқ қалбидан жой олишини билолмаймиз. Сиз айтган фильм долзарб мавзуда. Ножоиз ишга қўл уриб, хато қилган қизни ақлли ҳамсабоқ йигити тўғри йўлга бошлаши ҳикоя қилинади. Режиссёр Жастис Аримба бутун дунёни қийнаётган Интернет ва ёшлар, ахлоқ ва оммавий маданият масалаларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Фильмга Ўзбекистонга саёҳат эпизодлари киритилган. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида суратга олиш жараёнлари олиб борилди. Тарихий қадамжоларимиз кинотасмага муҳрланди. Бу ҳам ўзига хос тарғибот йўли-да. Шу кинокартинада буви ролини беришди. Қизиғи, улар ўзбекистонлик актриса танлашда ижтимоий тармоқларга жойланган сериал, фильм ва теленовеллаларимизни кўриб чиқибди. Каминанинг ижроси маъқул келгандир-да. Буям ўзига хос тажриба бўлди.

Ролни ўйнадим, жамоа жуда яхши қабул қилди. Мени премьерага ҳам таклиф қилишди. “Вой, узр, мен унақа бой актриса эмасман, хорижга бориб-келиш мен учун қийинроқ бўлади”, десам, улар: “Ҳеч нарсангиз керак эмас. Фақат розилигингиз керак. Ҳамма харажатлар бизнинг бўйнимизда”, дейишди. Шундан сўнг премьераларни ўтказиб, саҳналарига чиқиб, ўша ерда халқ билан ижодий учрашувлар ўтказиб келдим. Ҳаётда китоблардагидай кутилмаган воқеалар ҳам бўлар экан.

Мен ёзувчи-шоирлар билан ҳам яхши муносабатдаман. Мутолаани яхши кўраман. Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърида бешинчи банд бор: “Йўлин йўқотса одам, муҳаббатга суянгай”, деб бошланади. Ҳаёт ва руҳиятнинг чуқур манзараси акс этган. Мен шуни ўзимга мослаб айтаманки, умр бўйи умидга суяниб яшадим. Бугун ҳам шундай.

– Адолат опа, ҳаётнинг ўз адолати бор, дейишади-ку. Фақат у биз ўйлаган мезонлар билан эмас, азалият қонуниятлари билан рўёбга чиқади. Не бахтки, бугун мамлакатимизда адабиёт, санъат ва маданият ходимлари қадр топаётган даврда Сиз билан суҳбатлашиб турибмиз. Сизнинг кўп йиллик самарали ижодингиз ёш ҳаваскор санъаткорлар учун ўзига хос сабоқ бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

УЙҒОНИНГ, ОДАМЛАР!

Ер юзида 220 дан ортиқ миллат ва халқ бор. Бироқ уларнинг ҳеч бири биз каби 500 кишилик тўй, тўйдан кейин “чарлар”, “отакўрди”, “келинкўрди”, яна алламбало маросимлар, удумлар қилмайди. Ер юзидаги ҳеч бир миллат эрталаб туриб наҳорда ошга бормайди; келин-куёвнинг уйини жиҳозлар, маиший техникалар билан тўлдириб, парда, гилам, қалин, сарпо-сурук қилмайди.



Ақлини еган миллиардер ҳам қиз чиқарса ёхуд ўғил уйлантирса, тўйда пул сочмайди. Тўйхонада, катта монитордa “Love story” (муҳаббат тарихи) каби бемаъни лавҳа қўйган бирор инглизни кўрганим йўқ. Ниҳоят, 220 дан ортиқ миллат ва халқнинг бирортасида 500-600 кишилик тўйхонанинг ўзи йўқ.

Уйғонинг, одамлар! Халқни, давлатни тўйларнинг катталиги, дабдабали ё шоҳоналиги эмас, илм-маърифати, ақлу салоҳияти, интеллектуал авлоди юксалтиради.

Ҳурматли тадбиркорлар! Юртга 1000 кишилик тўйхона эмас, 500 ўринли мактаб қуринг, 300 сиғимли кутубхона, 100 ўринли болалар боғчаси қуринг. Китоблар олиб беринг, мактабларни газета-журналларга обуна қилдириб беринг – ҳомийлик қилинг.

Ота-оналар! Ёшларнинг уйини маиший техникалар билан эмас, уларнинг онгини маънавий “техникалар” билан бойитинг. Келинлик, куёвлик, оила илмини, рўзғор тутиш илмини ўргатинг. Устага беринг, ҳунар ўргатинг.

Халққа “Love story” эмас, илм керак. Тўйхона эмас, мактаб керак.

Пиво фестивaллари эмас, маърифат, маданият, ахлоқ керак.

Эркинжон ЯРАШЕВ
Фейсбук

ТААССУРОТ

Шу йил 11-17 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтган Бутунжаҳон ёшлар фестивалида 191 давлатдан делегатлар жам бўлди. Бундай кенг миқёсли анжуманда иштирок этиш мен учун нафақат янги танишув ва билимлар, балки турли халқларнинг бир-бирини санъат ва маданият орқали қандай англашини бевосита кузатиш имкониятини берди.



САНЪАТНИНГ КУЧИ

Мен турли миллатлар ўртасидаги мулоқот фақат сўз билан чекланмаслигига гувоҳ бўлдим. Миллий рақслар, мусиқа, либослар, имо-ишоралар ва самимий кайфият орқали ҳар бир делегат ўз мамлакати ва маданияти ҳақида ҳикоя қила олди. Баъзан бир куй ёки рақс узун суҳбатдан ҳам кўпроқ маъно етказарди.

Мен тасвирий санъат вакили бўлсам-да, фестиваль давомида фақат ўз йўналишим билан чекланмадим. Халқаро ёшлар сиёсати, тил, журналистика ва маданиятлараро мулоқотга бағишланган сессияларда фаол қатнашдим.

Қизиқарли маданий кашфиётларимдан бири – чанқовузга ўхшаш чолғуларнинг бошқа қитъаларда ҳам мавжуд эканини кўрдим. Уларнинг номлари, шакли ва ижро усуллари бошқача, айримлари ҳайвон шохларидан ясалган эди. Бир-биридан узоқда яшаган халқларда ҳам ўхшаш маданий шакллар пайдо бўлиши мумкинлиги мени ҳайратга солди.

Турли қитъалардан келган ёшлар билан мулоқот давомида аниқ ҳис қилдимки, ўзаро англаш ва яқинлик баъзан бир чолғу, бир сўз, бир рақс ёки оддий бир табассумдан ҳам бошланар экан. Мени энг кўп қувончга солган жиҳат: тенгдошларимнинг Ватаним тарихи, маданияти ва спортига қизиқишлари бўлди. Баъзи маълумотларни улар мендан ҳам яхшироқ билишлари ўз тарихимизни теранроқ ўрганишим кераклигини уқтирди. Хуллас, бу сафардан шу сафар ҳам “бир бош ўсиб” қайтдим.

Шамсиқамар СУЮНОВА,
талаба

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 431
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 861
Лотин ёзувида – 11 570
Медиа кузатувчилар – 91 527
Буюртма: Г – 939
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ